

МУХАММАД АТАДЖАНОВ



КОМПОЗИТОР
АБДУШАРИФ
АТАДЖАНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

МУҲАММАД ОТАЖОНОВ

КОМПОЗИТОР

**АБДУШАРИФ
ОТАЖОНОВ**

(Ижодий меросига чизгилар)

МОНОГРАФИЯ

“ Мусика ” нашриёти
Тошкент
2021

85.31г

О 86

Отажонов М.

Композитор Абдушариф Отажонов (Ижодий меросига чизгилар)
/М.Отажонов. – Тошкент, 2021. 128 б.

КБК 85.31г

УДК 78.071.1(092)

Тақризчилар:

РУСТАМ АБДУЛЛАЕВ – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон санъат арбоби, давлат мукофоти совриндори, композитор, профессор

МУЯССАР РАЗЗАКОВА – Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, профессор

Ушбу монография Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, композитор Абдушариф Отажонов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланади.

ISBN 978-9943-6246-9-6

© “Музыка” нашриёти, 2021

© М. Отажонов, 2021

КИРИШ

Ўзбек халкининг мусиқа мероси жуда бой ва қадимий тарихга эгадир. Мусиқа меросидан, Халқ куй ва қўшиқларидан илхом олмаган замонавий мусиқанинг бирон бир соҳасини топиш қийин. Оммавий эстрада қўшиқларидан тортиб, йирик хор, симфоник мусиқа, опера, балет, мусиқали драма жанрларининг ривожланиш жараёнини мусиқа меросидан ажралмаган ҳолда тассавур этиб бўлмайди. Мусиқа меросимизни, миллий мусиқамизни кўплаб этнографик ансамбллар кенг ташвиқот қилиш ва уни янги мазмун билан бойитишда муҳим ўрин тутди. Бу ишда Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожихон Болтаев, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Комилжон Отаниёзов ва бошқалар катта фаолият кўрсатдилар.

Бундай хофизларимиз ижро этган куй ва қўшиқлар, макомлардан ташқари мусиқанинг бошқа жанрлари яъни композиторлик ижодига мансуб бўлган асарлар йўқ эди. 1930-йиллардан сўнг мусиқамизда янги жанрлар хор, кантата, опера, балет ва симфония каби композиторлик услублар пайдо бўла бошлади. Бунда энг аввало Халқ мусиқа меросимизни нотада акс эттириш ва ундан композиторлик услубларидан фойдаланишга катта аҳамият берилди.

Ана шу ишларни амалга ошириш учун Республикамизнинг турли шаҳарларида болалар мусиқа мактаблари, мусиқа техникумлари ва халқ консерваториялари очилди.

1928 йил Самарқанд шаҳрида мусиқа ва хореография илмий тадқиқод институти ташкил топди. Бу ўқув масканларида рус мусиқа мутахасисларининг хизматлари катта бўлди. Натижада мусиқаларни нотага олиш, ансамбллар тузиш, замонавий жанрларда янги асарлар яратиш ишлари бошланди.

Ана шу даврларда Хоразмлик санъаткорлар ўз мусиқавий билимларини ошириш мақсадида Тошкент, Самарқанд шаҳарларига ўқишга келадилар. 1945- йил урушдан ногирон бўлиб қайтган Абдушариф Отажонов ҳам замонавий Оврўпо нота тизимини, кўп овозли мусиқа қоидаларини ўрганиш эҳтиёжи

билан 1951-йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида сўнгра эса Тошкент давлат консерваториясида композитсия бўйича ўқиб, келгусида етук композитор бўлиб етишди.

У узоқ йиллар Урганч шаҳар М.Ҳарратов номли мусиқа билим юртида директорлик ва педагогик фаолиятини юритди. Шунингдек Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри директори ва бош дирижёри лавозимларида ишлади. Композитор Абдушариф Отажоновнинг ижоди серкирра, унинг дилрабо кўшиқ ва ашулалари, чолғу куйлари, оркестр учун ёзган асарлари, мусиқали драма ва комедиялари, симфоник ва вокал-симфоник асарлари мухлислар қалбидан муносиб ўрин олган.

Абдушариф Отажонов ижодий меросида ранг-баранг, турли мавзуларда ёзилган кўшиқ, хор ва оркестр учун кўп қисмли мусиқий асарлар, мусиқали драма ва комедиялар муҳим ўрин эгаллайди. Давлатимиз ва Халқимиз олдидаги хизматлари учун бир қанча орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофатланган.

Абдушариф Отажоновнинг ўзбек мусиқаси ривожига қўшган ҳиссасини ва ҳаётини, ижодини ўрганиш Тадқиқот вазифалари Ўзбек мусиқасида бастакорлик ва композиторлик услубларининг шаклланишини ўрганиш, Ўзбекистонда касбона мусиқанинг пайдо бўлиш тарихини билиш, композиторлар ижодида Халқ мусиқасидан фойдаланиш услубларини ўрганиш нихоятда муҳимдир.

МЕҲРИБОН ОТАМНИ ЭСЛАБ

XX асрнинг 60- йиларида эсимни билар-билмас кўзимга бир одам кўринар эди. Онам, укам Аҳмаджон иккимизни ювинтириб парваришлаб турар, у киши ярим кулиб бизга яқинлашар кўтариб бағрига босиб кўяр эди, кейин ўйласам бу истараси иссиқ одам дадам экан. Оиламиз катта, олтита фарзанд, иккита опам, иккита акам, мен ва укам. Айтишларича, битта акам бир ярим икки ёшларида қизамиқ касаллигига учраб дунёдан ўткан экан. Хаётда ҳар бир инсон учун ота-она энг азиз ҳисобланади. Биз учун ҳам шундай бўлган. Айниқса, мен доим дадамга ўхшаган композитор бўламан деб, орзу қилардим. Хоразм вилоят Огахий номидаги мусиқали драма ва комедия театри Хива шаҳридан Урганч шаҳрига кўчирилганда 1959- йилда ота-онамизга хонадон ажратиб берилди ва шу йил сентябрнинг 14 чи санасида мен дунёга келган эканман. Бу уйда турли миллат вакиллари истиқомат қилар эди. 8 та уруш ветерани, журналистлар, ёзувчи, медицина вакиллари ва композитор. Кўпчилиги русийзабон бўлганликлари сабабли биз ҳам икита тилни ўзлаштирганмиз. Бизни хонадонимизда телефон ва телевизор борлиги туфайли кўни - қўшнилар бизни келиб туришар эди, жуда қизиқарли бўлар эди. Телефондан фойдаланиб телевизор томоша қилишарди. «Заря» номли темир телевизоримиз бор эди, ундан ташқари уйимизда пианиномиз бор эди – «Красный октябрь» номли. Пианино ҳам ҳеч бир қўшнимизда бўлмаган ва барчаси пианино эшитишга келишарди. Бизни мусиқавий оила деб аташарди, чунки дадам ҳаммамизни мусиқа мактабида ўқитган. Уйимизда Рохат опам, Фарогат опам, Олимбой акам пианинода машқ қилишарди. Озод акам булса, скрипка синфида ўқирди. Мен тўрт ярим яшар бола эдим. Менга Мила исмли устоз уйимизга келиб фортепиано сирларини ўргатарди, чунки дадамни вақтлари кам бўлар эди. Аҳмаджон укам бувимизникида вақтинча турганлиги сабабли, мен энг кичкина фарзанд ҳисобланар эдим. Шунинг учун ҳамма эркалар, яхши кўрар айниқса дадам Мақула деб чакирарди. Боғчадан олиб келиб пианинода машқ қиларди мен билан ва сизлаб рус тилида вазифа

берардилар. Улар мендан янги куй ёзишни сўрардилар. Бу менга жуда ёқарди. Дадамга ўхшаб нота қоғозга, қалам тебратар эдим. Мактаб ёшига етгач, мусиқа мактабига ҳам имтиҳон топширдим . Укам Аҳмаджон билан олиб боришди мусиқа мактабига. Бизни ҳар томонлама текширса, менда мутлок эшитиш қобилият бор экан. Ана энди уйимизда байрам, мени янаям обрўйим ошди, эътибор ҳам кўтарилди менга нисбатан. Орадан неча йиллар ўтгач, қанча сувлар оқиб кетди ва ҳозирги кунда 21 аср 2020- йил 6- декабрда биз ҳам анча ёшларга кириб 62 ни коралаб турган бир пайтда, дадамизни оламдан утганларига 34 йил бўлибди. Жуда кўп шогирдлари бор, албатта Ўзбекистонимизни юлдузлари, фахри бўлиб турган жаҳон мусиқа саҳнасига чикиб улгурган. Булар тўғрисида анча китоблар ёзилди, ўзлариям доим ҳалқимиз ардоғида . Кунни кеча туш кўрдим, ва манашу китобни кўлимдан келганча ёзишга жазм қилдим. Чунки ҳеч қайси шогирди менчалик яқин билмайди албатта дадамни. Кўп йилдан бери кутдим қайси бир шогирди бошлар экан, деб лекин яратганга беҳисоб шукурлар булсинким, ўзимга насиб қилган экан отам тўғрида билганларимни ёзиб қолдириш. Падари бузроқворимиз, меҳрибон отам, Абдушариф Отажонов Хивада 1924- йил 1- январ ойида, созанда оиласида дунёга келди. Меҳнат фаолиятини 1939 - йилда Хива театрида бошлади. 1942- йил Совет армиясига чақирилди ва немис фашистларга қарши фронтларда жанг қилиб жасурлиги учун учинчи даражали орден билан тақдирланди. 1944- йилда ярадор бўлиб қайтади. 1945-1951 йилларда Хоразм вилоят театрида мусиқа бўлими бошлиғи. 1951-1959 йилларида Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти назарий-композиторлик бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. 1955-1959 йилларда Хива мусиқа мактаб директори ва Хива театрида мусиқа бўлим бошлиғи. 1959-1964 йилларида Огахий номидаги Хоразм давлат ўзбек мусиқали драма ва комедия театри директори. Шу йили 1964-йилда Тошкент давлат консерваториянинг композиторлик факультетини мувафаккиятли тугатади. 1964-1967 йилларда Урганч шаҳар М.Ҳарратов номли мусиқа билим юрти директор лавозимида. 1967-1973 йилларда Огахий номли Хоразм вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия

театри директори лавозимида. 1973-1980 йилларда М.Харратов номли Урганч мусиқа билим юрти директори лавозимида. 1980-1986 йилларда Огахий номли давлат мусикали драма ва комедия театри бош дирижёри лавозимда фаолият кўрсатган. 1944- йилда КПСС азоси. 1956- йил Хива шаҳар депутути. 1969 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрли унвон билан тақдирланган. 1975- йил СССР композитор иттифоқи аъзоси.

Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, композитор
Муҳаммад Абдушарипович Отажонов

Ўзбек мусикасида бастакорлик ва композиторлик услубларининг шаклланиши

Ўзбек мусикаси тарихида 1920- йиллардан кейин мусикамиз кўлами янада кенгайди, янги шакл ва жанрлар пайдо бўла бошлади. Хусусан, хор, кантата, сюита, опера, балет ва симфония каби композиторлик ижодига мансуб асарлар ҳам яратила бошланди. Бу жараёнда Халқ мусикаларимизни нотада намоён қилишга катта аҳамият берилди. Ана шу ишларни амалга ошириш учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби шаҳарларда Халқ консерваториялари, мусиқа техникумлари ва мусиқа мактаблари очилди.

1928-йилда Самарқанд шаҳрида мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти ташкил топди.

Бу даргохларда миллий кадрлар тайёрлашда рус мутахасислари, композиторларнинг ҳиссалари катта бўлди. Айниқса В.А.Успенский, С.Н.Василенко, Е. Е. Ромоновская, Н. И. Мироновларнинг хизматлари улкан эди. Ана шу даврларда Толибжон Содиков, Мутаваккил Бурхонов, Мухтор Ашрафий, Манас Левиёв, Сулаймон Юдаков, Дони Зокиров, Илёс Акбаров, Шариф Рамазонов каби миллий композиторлар ва мусикашунослар авлоди етишиб чиқди.

Натижада Халқ мусиқа меросимизни ўрганиш, нотага ёзиб тўплаш, этнографик ансамбллар тузиб Халқимиз орасида уларни

кенг тарғибот қилиб, янада ривожлантириш ва шу билан бирга замонавий жанрларда янги асарлар яратиш ишлари авж олди. Айниқса Тошкент Давлат Консерваторияси ва Ўзбекистон Давлат Филармониясининг очилиши ҳамда Тошкент шаҳар ва жумҳурият вилоятларида қатор мусиқали драма театрларининг ташкил топиши, натижада миллий мусиқамиз кўлами янада кенгайди. Натижада миллий мусиқамиз асосан икки йўналишда – оғзаки анъана ва композиторлик мусиқа ижоди услубида кенг ривожлана бошлади.

Шу йилларда ташкил топган кўплаб этнографик ансамбллар Халқимиз орасида миллий мусиқамизни кенг ташвиқот қилиш ва уни янги мавзу билан бойитишда муҳим ўрин тутди.

Ўттизинчи йиллар охирида рус композиторлари Н. Рословетс ва Ф. Тал ўзбек санъаткорлари ёрдамида “Пахта”, “Шоҳида”, “Гуландом” каби биринчи ўзбек балетларини, М. Ашрафий ва С. Василенко эса “Бўрон”, Р.Глиер ва Т.Содиқовлар “Лайли ва Мажнун” операларини яратдилар.

Шу йиллари ўзбек мусиқа фолклори асосида А.Козловский, ва Г.Мушель илк симфоник асарлар яратдилар. Уруш йиллари ватанпарварлик ва дўстлик руҳида қатор мусиқали драмалар, опералар, вокал ва симфоник асарлар яратилди. Урушдан кейинги йилларда миллий услубга ҳамоҳанг асарлар кўплаб яратилди. Ўзбекистон симфоник оркестрлари “Баҳор” рақс ансамбллари ташкил топди. Бу даврда эстрада жанри ҳам кенг ривожланди. Бу жанрда Ўзбекистон Халқ артисти Ботир Зокиров унитилмас из қолдирди.

Ўтган даврларда болалар мусиқасига ҳам эътибор кучайди. Мутаваккил Бурхонов, Дони Зокиров, Манас Левиёв, Фаттоҳ Назаров, Ғофур Қодиров, Шариф Рамозонов, Мардон Насимов, Ефим Шварцс каби композиторлар қатор хуш оҳанг кўшиқлар ва кантаталар яратдилар. Собир Бобаёв эса “Ёрилтош” операсини яратди. Бугунги кунда композиторларнинг кекса авлодига кўшилиб Надим Норхўжаёв, Комил Кенжаёв, Аваз Мансуров, Шермат Ёрматов, Муҳаммад Отажонов, Дилором Омонуллаева ва бошқа композиторлар, болалар ҳамда ёшлар учун замонавий асарлар яратмоқдалар.

Ўзбек мусиқа санъатининг ривожланишига Хоразмлик композиторларининг кекса авлодлари ҳам ўз ҳиссасини кўшганлар. Ўша йиллари Рахмон Оллаберганов бир қатор спектаклларга мусиқа басталади. Уруш ҳақида Ватан ҳақидаги кўшиқлари, айниқса Абдушариф Отажонов яратган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” мусиқали драмаси бутун Республикамизга танилди. Шариф Рамозоновнинг бир қатор хор, кантата, вокал-симфоник сюитаси ва кўшиқлари ҳозиргача ўз мавқени йўқотмади. Композитор Абдушариф Отажонов 20 дан зиёд мусиқали драма ва комедияларга мусиқа басталаб эл эътиборини қозонди. Ўзбек мусиқасида бастакорлик ва композиторлик услублари ҳақида гапирадиган бўлсак бастакор сўзининг луғавий маъноси бастакор (форс - тожик “Баста” - Боклов, “кор” иш) машғулот маъносини билдиради.

Бастакор-монодия услубида бир овозлик турли асарлар асосан кўшиқ, ашула, чолғу куйлар яратувчи ижодкордир. Бастакорлар асосан Халқ куй ва кўшиқларига таянган ҳолда янги асарлар яратадилар.

Бастакорликнинг муҳим тамони шундаки, бастакорлар ўз ижодларини одатда дастлаб нота ёзувида акс эттирмай, балки бевосита ўз ижрочилик санъатлари орқали ифода этадилар. Демак бастакорлар, бир вақтнинг ўзида ҳам мусиқа яратувчи ижодкор, ҳам ижрочи санъаткорлардир.

Халқимизнинг сеvimли санъаткорларидан Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков, Комилжон Жаббаров, Муҳаммаджон Мирзаев, Ганижон Тошматов, Набижон Хасанов, Комилжон Отаниёзов сингари бастакорлар фаолияти фикримизга мисол бўла олади. Зеро уларнинг ҳар бири маҳоратли ижрочи бўлиши билан бирга улар улкан ижодкорлардир.

Чолғу куйлари ва кўшиқчилик, ашула, катта ашула ва бошқа ижод соҳалари бастакорлик ижодининг асосини ташкил этади. Ўзбек бастакорлари ашула ва куйлар яратиш билан бир қаторда улар композиторлик мусиқа жанрлари мусиқали драмалар, сюита, опера ва балетлар яратишда ҳам композиторлар билан ҳамкорлик қилганлар. Мисол учун Ўзбекистон Халқ артисти Тўхтасин

Жалилов йигирмадан зиёд кўшиқ ижод этган ҳамда бир қатор саҳна асарлари ва мусиқали драмаларга куй басталаган “Гулсара”, “Тохир ва Зухра”, “Нурхон”, “Равшан ва Зулхумор,” “Алпомиш” каби саҳна асарлари шулар жумласидандур.

Ўзбек мусиқасида композиторлик услублари ҳақида гапирар эканмиз композитор сўзининг луғавий маъносига эътиборингизни қаратсак.

Композитор (лотинча “композитор” - ижодкор) мусиқа асарни яратувчи шахсдир. Композиторлик асосан Оврўпо санъатида шаклланган бўлиб, композиторлар ижоди кўпинча опера, симфония, оратория, балет, соната, кино мусиқаси каби кўп овозли гармоник мусиқа турларини ўз ичига қамраб олади. Бундай мусиқалар яратувчи ижодкорлар, одатда, консерваторияда композиторлик факултетиде махсус таълим олган бўлади ва уни “композитор” деб номлашади. Композиторлар маълум бир мавзуне бадиий тасвирлаганидек, Халқ ижодиёти, яъни фолклордан фойдаланиб, ёки шу фолклор материалени ўзгартмагани ҳолда, уни бойитиб, бадиийлаштириб беради. Ўзбек композиторларининг ижоди Халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланган. У ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак савиядаги мусиқа асарлари яратувчи ижодкордир.

Республикамиз маҳаллий профессионал композиторлари 1940-йиллардан бошлаб йирик мусиқа асарлари ярата бошладилар. Композиторларнинг симфония, опера ва бошқа асарлари нота ёзувлари орқали клавир ёки партитураларда ўз аксини топади. Ушбу жанрларда ижод этган ва ўзбек композиторлар ижоди кўламига муҳим ҳисса кўшган композиторлар Толибжон Содиков, Мухтор Ашрафий. Мутал Бурхонов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Дони Зокиров, Сайфи Жалил, Иқром Акбаровлардир.

Композиторлар ижодида Халқ мусиқасидан фойдаланиш услублари

Ҳозирги замон мусиқа маданиятида композиторлик мусиқа услуби барча Халқлар мусиқа маданиятида ривожланмоқда. Ижоднинг бу тури халқ мусиқасига таяниб раванқ топди.

Композиторлик мусиқа намуналари яъни оммавий кўшиқ, романс , хор, симфония, сюита, кантата, балет ва операларни яратишда халқ мусиқаси бебаҳо ижод манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бунда илк композиторлик асарлари яратган В. Успенский, Н. Миронов, С.Василенко, Г. Мушель ва бошқалар дастлаб ўзбек халқ мусиқаси намуналарини нотага ёзиб олиб, ўз ижодларида улардан кенг фойдаланганлар. Шу тажриба асосида етишиб чиққан ўзбек композиторларининг кекса авлодлари Мутал Бурхонов, Мухтор Ашрафий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Шариф Рамозонов, Абдушариф Отажонов ва бошқа композиторлар халқ мусиқаси асосида янги кўп овозли асарлар ярата бошладилар. Бу услуб туфайли ўзбек мусиқа маданиятидан хор, симфония, кантата, опера, балет сингари жанрлар ўрин олди.

Композиторлик ижодида халқ мусиқасидан фойдаланиш услублар ҳақида гапирадиган бўлсак композиторлар Халқ мусиқасидан асосан икки услубда фойдаланадилар. Биринчи услубда Халқ мусиқа намунасини олиб, куй тузилишини сақлаган ҳолда хор, оркестр, яккаҳон овозлар ёки бирор чолғу асбобга мўлжаллаб кўп овозли (гармоник) услубда мослаштирадилар. Натижада Халқ мусиқаси профессионал мусиқа даражасига эга бўлиб, ифодавийлиги ва ижро этиш имкониятлари кенгайди. Айниқса у кўп овозли янграшда янги ифода бўёқлари билан бойийди. Композиторлик ижодида Халқ мусиқасидан бевосита фойдаланиш услубидир.

Бу услубда композиторлардан Мутал Бурхонов, Собир Бобаев, Икром Акбаров, Дони Зокиров, Ботир Умиджонов ва бошқа композиторлар хор, оркестр ва чолғу асбобларимиз учун талай асарлар яратдилар.

Халқ мусиқасидан фойдаланишнинг иккинчи услуби эса халқ мусиқаси оҳанги руҳида янги асарлар яратишдир. Бу услубда композитор миллий мусиқа оҳангидан бегона бўлмаган янги куй ёки куй парчасини яратиб, уни янги асар мазмунида ривожлантиради. Бу каби услубда композиторлар Мутал Бурхонов, Манас Левиёв, Сулаймон Юдаков, Иқром Акбароров, Собир Бобаёв, Мардон Насимов, Улуғбек Мусаёв, Рустам Абдуллаёв, Мустафо Бафоев каби етук композиторларимиз кўшиқлар, романслар, мусиқали драма ва комедиялар, сюита ва кантаталар, хор ва оркестр учун асарлар, опера ва балетлар яратдилар.

Мусиқали драмалар ҳақида гапирадиган бўлсак Халқимиз олқишига сазовор бўлган “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарход ва Ширин”, “Алпомиш”, “Равшан ва Зулҳумор”, “Нурхон”, “Тошболта Ошиқ”, “Гулсара” каби драмаларида Халқ мусиқасидан кенг фойдаланилган ва шу оҳангда оригинал асарлар яратилди. Республикаимизда мусиқали драма жанрини ривожлантиришда Мухтор Ашрафий, Мутал Бурхонов, Собир Бобаёв айниқса Тўхтасин Жалилов, Манас Левиёв ва Абдушариф Отажоновларнинг хизматлари каттадир. Ўзбекистонда опера жанрини вужудга келишида мусиқали драма тажрибалари қўл келди.

Шу боис илк опералар “Гулсара”, Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”, “Фарход ва Ширин” ва бошқа мусиқали драма сахналаридан халқимизга таниш эди. Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши” операсидан қардош республикалар ва чет эл театрларида сахналаштирилганлиги ўзбек опера санъатининг довуғидир.

Гарчанд ўзбек мусиқасида композиторлик мусиқа ижоди нисбатан яқин ўтмишда вужудга келган бўлсада, шунга қарамай бир қатор диққатга сазовор асарлар яратилди. Бу асарлар Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши” Мутал Бурхоновнинг “Алишер Навоий” Мухтор Ашрафийнинг “Дилором” опералари Манас Левиёвнинг “Сухайл ва Мехри” А. Козловскийнинг “Танавор” балетлари Мутал Бурхонов, Сулаймон Юдаков, Ботир Умиджоновларнинг хор учун яратилган талайгина асарлари

Манас Левиевнинг мусикали драмаларига яратган дилкаш мусикалари Абдушариф Отажоновнинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” драмаси, Мутал Бурхонов, Сулаймон Юдаков, Собир Бобаев, Мардон Насимовлар яратган вокал-чолғу сюита ва кантаталари, романс ва кўшиқлари шунингдек М. Тожиев М. Махмудовнинг қатор симфониялари Сайфи Жалилнинг айрим чолғу ва вокал асарлари шулар жумласидандир. Шу билан бирга болалар ва ёшлар учун ҳам турли жанрларда ажойиб асарлар яратилди албатта.

Бу асарларнинг кўпчилиги ўзбек мусикасининг олтин хазинасидан ўрин олмоқда, зероки уларда етук мусиқий шакл ва бадиий ифодалар воситасида халқимизнинг ўтмиш тарихи, эрк ва бахт учун кураши, орзу умидлари ёрқин акс топган. Хозирда Ўзбекистон композиторлари уюшмасида юздан ортиқ композиторлар ва бастакорлар баракали ижод этмоқдалар.

Композитор Абдушариф Отажоновнинг ҳаёти ва ижоди

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва композитор Абдушариф Отажонов 1924- йилнинг 1 -январида Хоразм воҳасининг Хива шаҳрида созандалар оиласида дунёга келди. Унинг бобоси Хива хонлигида Машариф сурнайчи номи билан яхши танилган эди.

Отаси Отажон ота эса “созчи ” номи билан танилган эдилар. Улар Абдушарифда туғма мусиқий қобилият борлигини сезиб, мусикадан сабоқ бера бошладилар. 1932 -йили бошлангич ўрта таълим мактабида, сўнгра ёшлар мактабида ўқиди, 1937- йили Хива кишлок хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Мазкур ўқув даргоҳида мусиқа тўғарақларига ҳам қатнашди. Ўзининг ижрочилиги билан обрў эътиборга эга бўлган 15 ёшли Абдушариф 1939- йили Хива шаҳардаги вилоят колхоз - совхоз театрига ишга таклиф қилинди ва бу пайтдан унинг меҳнат фаолияти бошланди. Театрда ишлаб юрган пайтларида Абдушариф шу театр актрисаси Бикажон Рахимовани учратиб қолади ва улар бирга турмуш қуришга ахт қилишашади. Афсуски

Абдушариф аканинг Бикажон Рахимова билан бахтли кунлари узоқ давом этмади. 1942- йили А.Отажонов ҳарбий хизматга чақирилди ва Калиган, 2 - Белорусия фронтларида жанг қилди. 1944- йили 23 - июн куни Полшанинг Белосток шаҳарни озод қилишдаги жангда оғир ярадор бўлиб, бир оёғидан ажралди. Госпиталларда даволангандан кейин 1945- йили армия сафидан озод этилиб, ўз Ватанига қайтди.

1945-1951 йилларда А.Отажонов Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида созанда, мусиқа бўлими маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Ёшлигидан ижрочилик ила мусиқа басталашга жуда қизиқади ва мусикадан машқ қила бошлаган Абдушариф замонавий Оврўпо нота тизимини, кўп овозли мусиқа қоидаларини ўрганиш эҳтиёжи билан 1951- йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимида Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов ва Султон Хайитбоевлар билан биргаликда ўқиди.

Эл-юрт орасида обрў эътиборга сазовор бўлган санъаткорларга ўқув юрти директори Иброҳим Ҳамроев шароитлар яратиб берган эди. 1955- йили ўқишни имтиёзли диплом билан битириб, Хива шаҳрига ишга йўлланма олди ва шу йили А.Отажонов Хива шаҳрида болалар мусиқа мактабини ташкил этди. Шу боис бу санъат мактабига Абдушариф Отажонов номи берилди. Унга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда Хива шаҳар маданият бўлими колхоз-совхоз театрида мусиқачи бўлиб ишлади. 1961-1966- йилларда Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри директори ва дирижёри лавозимларида ишлади, айна пайтда Тошкент давлат консерваториясида композитсия бўйича сиртки бўлимда профессор Б.И.Зейдман синфида ўқиди. 1964 - йили А. Отажонов чанг ва симфоник оркестр учун контсерт билан консерваторияни муваффақиятли битирди.

Олий маълумотли мутахассис Урганч шаҳар Матюсуф Ҳарратов номли мусиқа билим юртида директор лавозимида ишлади. 1967-1973 йилларда у Огахий номидаги театр директори ва дирижёри, 1973-1980 йилларда мусиқа билим юрти директори бўлиб ишлади. 1980-1986 йилларда Огахий номидаги Хоразм

вилоят мусикали драма ва комедия театри директори ва бош дирижёри лавозимларида ишлади ва нафақага чиқди.

Композитор Абдушариф Отажоновнинг ижоди серкира, унинг дилрабо кўшиқ ва ашулалари, чолғу куйлари, оркестр учун ёзган асарлари, мусикали драма ва комедиялари, симфоник ва вокал - симфоник асарлари мухлислар қалбидан муносиб ўрин олган.

Абдушариф ака ижодий меросида ранг-баранг, турли мавзуларда ёзилган кўшиқ, хор ва оркестр учун кўп қисмли мусикий асарлар, мусикали драма ва комедиялар муҳим ўрин эгаллайди. У ўз ижодининг дастлабки даврида чолғу мусикасига нисбатан кўшиқчилика кўпроқ аҳамият берди.

Замондош шоирларнинг шеърларига меҳнатни ва меҳр - муҳаббатни куйловчи, одамлар хулқи ва жамиятда учраб турадиган айрим нуқсонларни хазил ила танқид остига олувчи ранг - баранг, жозибали кўшиқлар, лирик ашулалар, хажвий лапарлар яратди. Жумладан, 1957-1964 йилларда куйидаги кўшиқлар бунёдга келди: “Меҳнат завқи” (М. Абдурахимов сўзи), “Рохати бир жонга етишдим” (М.Раҳмонов сўзи), “Газ келди, газ” (Эркин Эшмонов сўзи), “Салом марду мардонларимга” ва “Чўпон йигит кўшиғи” (А.Пўлат сўзлари), “Машғал элим” (Р.Бекниёз сўзи) каби меҳнатни ва Ватанни ардоқлайдиган кўшиқлар ёки: “Куйлайди табиат” (Х.Шарипов сўзи), “Келди ёрим қошимга” (Х.Саидов сўзи), “Кезарман” (Аҳмадий сўзи), “Интизормикин”, “Айрилма мани”, “Жонгинам шартингни айт” (Р.Бекниёз сўзлари), “Ошиқ ноласи” (Дилафкор сўзи), “Кел, кел жоним” (Шухрат сўзи) каби лирик кўшиқлар; “Бири бинафша, бири Равшан” (Бобур сўзи) лирик ялла; айниқса “Шўх ошпаз” (Порлок сўзи), “Почтачиман, почтачи” (К. Аҳмадий сўзи), “Узук таксам билагингга”, “Бобойжоним”, “Аравакаш” ва “Ўзи билса, билсин” (Р.Бекниёз сўзлари), “Ҳар кишининг бўлса икки хотини” (Махтумқули сўзи), “Каминангиз комендант” (Э.Раҳим сўзи), “Суратчиман, суратчи” (Хуршид сўзи) каби хазил, сатирик лапарсимон айтишувлар ўз даврида хонандалар репертуарини бойитди ва хозирга қадар айримлари контсерт дастурларида янграмоқда. А.Отажоновнинг ижодий меросида шоирлар билан

ҳамкорликда меҳнат, тинчлик, дўстлик, ишчи-деҳқон ёшлар, ватан каби мавзуларда яккахон, хор ва оркестр учун басталаган кўп қисмли йирик асарлари ҳам оз эмас. Улар қўшиқлари каби ёрқин оҳангдорлиги, жозиба ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Композитор қаламидан қуйидаги асарлар бунёдга келди: “Шодиёна” (Хуршид сўзи, 1968 й.) вокал-хореографик сюита, “Улуғ кун” (Хушнуд ва О.Матчон сўзлари, 1967 й.), хор ва оркестр учун “Офарин” ва “Оқ олтин” (О..Матчон сўзи, 1967 й.), вокал хореографик сюита, “Хоразм” (Э.Раҳмон сўзи, 1968 й.), яккахон, хор ва оркестр учун поэма, “Махаллада тўй” ва “Сумалак оқшоми” (Хуршид сўзи, 1971 й.), вокал-хореографик сюита, “Замон анъанаси - никоҳ тантанаси” (Хуршид сўзи, 1973 й.), вокал хореографик сюита, “Олтин кўллар” (Миртемир сўзи, 1973 й.), вокал хореографик сюита, “Хоразм Ёр-ёр” ини акапелла хори учун қайта ишлаган; “Авазим” Хоразм Халқ кўшиқи асосида чолғу ансамбл учун песа, “Қудалар баҳси “ (Нурматов сўзи, 1974 й), якахон, хор, хореографик композиция, “Ақлда доно қизлар” (Э. Раҳим сўзлари, 1982 й.), вокал - хореографик сюита; аралаш хор ва оркестр учун сюита, “Пахтакорман” (Хуршид сўзи, 1982 й.) яккахон ва чолғу ансамбли учун қўшиқ; “Хоразмда байрам” (Х.Абдуллаев сўзи, 1983 й.) вокал - хореографик манзара ва бошқалар. А.Отажонов ижодий фаолиятида мусиқали драма ва комедия жанрлари муҳим аҳамиятга эга.

Драматурглар билан ҳамкорликда Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида қуйидаги асарлар сахна юзини кўрди: “Оқ нилуфар” (Р.Тагор асари, Авинников, С.Оспос ва А. Бобожоновлар таржима ва инстсенировкалари, 1958 й.), “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (Ю. Юсупов пьесаси, 1958 й.). “Маърифат қурбонлари” (Э. Раҳим пьесаси, 1958 й.) , “Ишқ билан ўйнашма” (А.Хайруллаев ва К.Аҳмадийлар пьесаси, 1960 й.); “Ким айбдор” (И.Аҳмедов ва У. Исмоиловлар пьесаси, 1960 й.); “Сенсиз яшолмайман” (Р.Бекниёз пьесаси, 1961 й.); “Тоғ қизи” (Р. Гамзатов пьесаси, 1963 й.); “Тош тешар “(А.Жамол, 1964 й.) “Икки ўт ўртасида” (Р.Бекниёз пьесаси, 1964 й.); “Хўжа Насриддин” (Азимзода пьесаси, 1965 й.)” Махтумқули”

(Матризаев пьесаси, 1966 й.); “Мавлоно Огахий” (Ю.Юсупов пьесаси, 1968 й.); “Мехрибонлар” (А.Жамол пьесаси, 1970 й.); “Тузок” (А.Жамол пьесаси, 1972 й.); “Али масхарабоз” (А.Бобожонов пьесаси, 1972 й.); “Қизлар исёни” (Ю.Юсупов пьесаси, 1973 й.); “Сўнги пушаймон” (А.Жамол пьесаси, 1974 й.); “Тошлар тилга кирганда” (П.Телегенов пьесаси, таржимон Н. Комилов, 1976 й.);” Фотима кампирнинг лотереяси” (Омон Матчон пьесаси 1977 й.); “Мунозара давом этади” (К.Мирзоев пьесаси, 1981 й.); Орзу” (Х.Расул пьесаси, 1984 й.); “Жавохир”, Эркин Самандаров пьесаси, 1984 й.) драма асарларга ҳам мусиқа басталаган: ”Бахор” М.Тамсахиб пьесаси, 1961й.); “Бўронли йиллар” (Ў.Умарбеков пьесаси, 1963 й.); “Шохнинг боши бормиди, ё” (А.Мухтор пьесаси, 1985й.) Композиторнинг мусиқий меросида фортепиано, ўзбек халқ оркестри учун ҳам турли асарлар мавжуд.

Абдушариф Отажонов бир вақтнинг ўзида композиторлик, педагоглик, ташкилотчилик, фаолиятини олиб борди, кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби, давлат мукофоти совриндори профессор Отаназар Матёкубов

Ўзбекистон санъат арбоби, Ҳамза мукофати совриндори хозирги кунда Республика композиторлар уюшмасининг раиси композитор Рустам Абдуллаев Ҳамза мукофати совриндори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби композиторларимиздан Улуғбек Мусаевлар опера, балет, симфония, контсерт асарлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларга ҳам танилиб жaxon мусиқа маданияти саҳифаларидан ўрин олишган.

Абдушариф Отажоновнинг оиласи хақида гапирадиган бўлсак бу оилани “санъаткорлар” оиласи дейишади. Абдушариф аканинг рафиқаси Ўзбекистонда Халқ артисти Бикажон Раҳимова Хива ва вилоят театрида эллик йилдан ортиқ ишлаб 200 - дан ортиқ ролларда ўйнаб, ўзбек Халқи эътиборига мушарраф бўлган. Фарзандларидан Муҳаммад истеъдодли композитор,халқаро ва республика кўрик танловлар ғолиби, доцент, Турон халқаро фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Давлат

Консерваториясида фаолият курсатиб келмоқда. Олимбой фортапиано ижрочиси ва ўқитувчиси, Озодбой мусиқа ўқитувчиси ва баян, аккордеон ижрочиси, қизлари Роҳатой бошланғич мактаб директори лавозимида фаолият кўрсатиб хозирда нафақада, Фарогат болалар боғчасида мусиқа раҳбари бўлиб ишлаб хозирда нафақада, Аҳмаджон ёғ-мой корхонасида АХЧ раҳбари, хозирда нафақада.

Давлатимиз ва Халқимиз олдидаги хизматлари учун бир қанча орден ва медаллар, Ўзбекистон ва Қорақалпоқистон Республикаси фахрий ёрликлари билан мукофотланган. А.Отажонов 1969 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан тақдирланди. 1975-йилда Республика композиторлар уюшмаси аъзоси бўлди. Хозирда Урганч шаҳрининг кўчаларидан бири Абдушариф Отажонов номи билан аталса, шунга қўшни кўча номи Абдушариф аканинг рафиқаси Ўзбекистон Халқ артисти Бикажон Раҳимова номи билан аталади.

Абдушариф Отажонов 1987-йил 5-декабр куни 63-ёшида вафот этди. Абдушариф ака энди орамизда йўқ бироқ ўтли оловқалб инсоннинг яшнаган ижоди боқий , келгуси авлодлар учун мерос бўлиб қолди. У ҳар йили, ҳар кунда гуллайверадиган чаман, ундан баҳра олиш, нафақат ўзбек Халқи, балки қардош Халқлар ҳам баҳраманд бўладиган палла келди.

Композиторнинг ижод қилган мусиқали драмалари ва комедия асарлари, қўшиқлари сайланмасини нашр этиш назарда тутиляпти , албатта, буларни қардош тилларда чоп қилса ҳам айни муддао бўлар эди. Тан олиш керакки, оддийлик ва камтаринлик, шарқона урф, миллий ғурур уфуриб туради унинг асарларида.

Абдушариф Отажоновнинг ижодида мусиқали драма ва комедия жанрининг тугган ўрни

Иккинчи жаҳон уруши ғалабасидан (1945й) кейинги йилларда, айниқса 50-йиллардан бошлаб юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида кўзга кўринарли ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Ўрни: тинчлик ва инсонпарварлик ғояларини тарғибот қилиш, миллий қадриятларни тиклаш каби масалалар қарор топа бошлади. Республикамизни маданий оқартув ишларида, мусиқали театр санъатининг ривожланиш жараёнларида ҳам ўзгаришлар рўй бера бошлади. Театрларнинг репертуарини бойитишга бурилиш ва эътибор кучайди.

Ўзбек Халқининг тарихи ва замонавий ҳаёти билан боғлиқ турли мавзулар мусиқали драма ва комедиялар театрнинг репертуаридан кўп ўрин ола бошлади. Абдушариф Отажоновнинг ижоди ҳам урушдан сўнгги даврлар яъни 50-йиллардан бошланади. А. Отажонов ўз ижодига ва тажрибасига лойиқ ҳолда спектаклларга мусиқа басталаб, мусиқали театрнинг репертуарини бойитишга ҳаракат бошлаб юборди. Унинг илк мусиқали сахна асарлари (“Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”) ўзбек Халқининг мақомларидан мумтоз ашула ва дostonларидан, фолклор мероси асосида бунёдга келган эди. Шунинг учун ҳам бу жанр ўзбек томошабинларининг энг севимли маданий мулкига айланди.

Театр Абдушариф Отажоновнинг ижодида ижодий лаборатория вазифасини ўтади. Абдушариф ака ижод қилган мусиқали драма ва комедиялари шу театрда сахнага қўйилди. Ижод жараёнида бир неча етук драматурглар Юнус Юсупов, Эгам Рахим, Рахим Бекниёз, Қурбонбой Матризаев, Эркин Самандаровлар билан ишлашди ва биргаликда асарларни сахнага қўйишди. Бу ижодкорларнинг ишларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак 50-70 йилларда 40 дан зиёд янги мусиқали драма ва комедия жанридаги асарлар театр сахнасида қўйилган булардан

энг саралари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Маърифат қурбонлари”, “Икки ўт ўртасида”, “Махтумқули” асарлари нафақат Хоразмда балки Республиканинг бошқа театрларида ҳам қўйилган.

А.Отажоновнинг ушбу меҳнатлари Хоразм театрининг обрўсини янада орттирди. Театрнинг ўзига хос ижодий қиёфаси шаклланди.

А.Отажоновнинг бу санъат масканларида яратган сахна асарлари Халқимизнинг маданий ва маънавий бойлигидир. Устознинг яратган сахна асарлари театр тарихида ва бугунги кунда ҳам мумтоз меросимиз сифатида ардоқланиб келинмоқда. Дарҳақиқат, театримиз ўз вақтида республикамиз маданий ҳаётининг фаол марказларидан бири сифатида ўз Халқининг эзгу ниятларини бадиий воситалар билан ифодалашда катта ютуқларни қўлга киритди. Ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларини ёритишда Халқимизни янги зафарларга чорлашда миллий руҳдаги ёрқин сахна асарларини юзага келишида мусикали театр жамоатчилиги ҳам улкан ҳисса қўшишга муяссар бўлди.

Вилоятимизда бундай вазифаларни амалга оширилишида, Хоразм вилоят театрининг ривожланиши ва камол топишида Абдушариф ака Отажонов ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Ушбу янги даврнинг ўзига хос илк тимсоли сифатида Абдушариф Отажоновнинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” мусикали драмасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу асар Юнус Юсупов пьесаси асосида ёзилган бўлиб 1958- йил сахна юзини кўрди. Ушбу асар нафақат кенг томошабинлар оммаси ўртасида, балки ушбу соҳанинг мутахасислари назарида ҳам юқори баҳоларга сазовор бўлди.

“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” мусиқали драмаси ёзилиш тарихи

Абдушариф Отажонов 1958-йил Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга қайтди. Бу даврда Хоразм театрида ҳар томонлама талантли созандалар, хонандалар, мусиқа илмининг билимдонлари ишлаётган эдилар.

Созандалардан Хайитбой Бобожонов, Куронбой Бобожонов, Жуманиёз Қозоқов, Хўжа Отажонов хонандалардан Матёқуб Рахимов, Вахобжон Фаёзов, Эркиной Бекчанова, Султонпошша Рахимова, Назира Юсупова. Актёрлардан: Қаландар Бойжонов, Махмуджон Сапаев, Санъат Девонов, Карим Рахимов, Ражаббиди Бойжонова Онабиди Очилова, Бикажон Рахимова, Салима Хўжаева, раққосалардан Ровия Отажонова, Роза Гаффорова, Розия Муродовалар бор эди. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу даврга келиб оркестр чолғучилари бўйича яхши созандалар бор эди. Булар Олланазар Хасанов, Карим Искандаров, Жуманиёз Оллаберганов, Саттор Абдуллаев, Аҳмад Исмоилов, Аҳмад Машарипов ва бошқа қатор созандалар бу мактабнинг истеъдодли вакиллари эди.

Бу жамоа билан жуда кўп ишларни амалга ошириш мумкин эди. Бир сўз билан айтганда 50-70 йиллар Хоразм театрининг гуллаган даври эди. “Ошиқ Ғариб”ни сахна асарига айлантириш учун Юнус Юсупов асарни сахна вариантини тайёрлашга киришди, Абдушариф Отажонов эса унинг мусиқаси ҳақида бош қотира бошладилар ва ишни бахши ва халфалардан бошлади. Дастлаб Бола бахши Қурбанназар Абдуллаевга учрашди, Қаранги, “Ошиқ Ғариб” дostonи бир вақтлари 72 мустақил куй билан ижро этилган экан. Кейинчалик эса унинг 34 куйигина сақланиб қолган.

Композитор “Ошиқ Ғарибнинг” Хоразмдаги барча ижрочилари билан учрашишга қарор килди. У Қодир созчи, Жумми ота каби бахшилар, Сорахон Оллаберганова, Назира Собирова каби халфалар билан учрашиб, кўпгина куйларни ёзиб

олдилар. Асосий масала дostonни сахна асарига айлантириш жараёни билан боглиқ эди. Дoston мукқаддимаси шикор - ов тафсилоти билан бошланади. Воқеа ўрни турли версияларда турлича берилади.

Драматург ва бастакор маслахатлашиб бир қарорга келишди. Воқеани Амударё буйига жойлашган шохнинг ёзги қўшиндан бошлаш лозим. Чунки, Хоразмни Амударёсиз тасаввур қилиш қийин. Қолаверса асарда фақат Ғариб ва Шохсанам саргузашти эмас балки уларнинг дўстлари, оддий Халқнинг ахволи кўрсатилса яхши бўлади. Шунинг учун асарга Зоҳир ва Дехқонбой образлари янгидан киритилди. Дoston асосан севги - мухаббатни куйлаганлиги сабабли унда лирик оҳанг кучли бўлиши керак

Ишқ йўлида дўзахдан, дордан қўрқмаган Қарим, отасининг дағдағасидан, феодал турмушнинг ноинсоний қонуниятларидан қўрқмаган Шохсанам образларини яратиш, уларнинг ички кечинмаларини ифода этган қўшиқларини жўшқин оҳангларда таралувчи мусиқа билан таминлаш албатта зарур эди.

Композитор олдида қатор вазифалар турар эди. Аввало асарда дoston куйларига асосий эътибор бериш, лозим бўлганда мақом куйларига мурожат қилиш, халфа куйларини ҳамда масҳарабоз ўйинларини сахнага чиқариш, ўз навбатида янги мусиқалар басталаш ва буларни барчасини оркестрлаштириш, юксак дид билан ижро қилиш лозим эди.

Улар мусиқа басталашда асар мазмунига асосий эътиборни қаратадилар. Ғарибнинг “Айладинг” ариясида дoston куйларидан “Эшвой”ни танласа, Ғарибнинг онаси ва синглисидан ажралиб хайрлашиши жараёнида “Нолиш” куйини киритади. Асарда Ғарибнинг тақдиридан нолиб айтган “Ғарибдурман” ашуласи мақом куйларидан “Чоргоҳ”га солинганки, бу ашула Ваҳобжон Фаёзов томонидан куйланганда залдаги томошабинларнинг аксарияти йиғлаб ўтирганларга гувоҳлар кўп. Композиторнинг муваффақияти шу эдики у халфа куйларидан ҳам тегишли жойларда усталик билан фойдаланади. Шохсанамнинг канизаклар билан боққа кириб келиш сахнасида машхур

“Хуршиди жахон галди” кўшиғи уфуриси билан рақс жўрлигида берилади.

Шоҳсанамнинг Шоваладга мажбуран тўй қилиб берилаётгани жараёнида халфалар репертуаридаги мунгли “ёр-ёр” куйидан жуда ўринли фойдаланилган, асар finali юксак оптимизм билан, тўй-томоша авжига чиқиб тугайди. Ўйин-кулги узок, давом этади. Композитор бу сахнада масҳарабоз ўйинларидан “Бейлама”, “Чипрадалли”. “Искоқ,” ларга мурожаат қилади. Айрим дoston куйлари эса оркестрга мослаштириб қайта ишланган. “Оқ рўмолим”, “Бора билмадим” каби кўшиқлар “Истарман”, “Амударё сандан Ғариб ўтдими” сингари куйлар бунга мисол бўла олади.

Бинобарин, композитор драмага мусиқа басталар экан, унда Хоразмнинг бутун бир мусиқа дунёси билан намойиш этиш вазифасини олдига кўйиб, буни тўла уддалай олди. “Ошиқ Ғарибнинг доврўғи бутун Ўрта Осиёга таралади. Драмада ўйнаган Вахобжон Фаёзов Матёкуб Рахимов, Султонпошша Рахимова, Онабиби Очилова, Ражаббиби Бойжонова, Қаландар Бойжонов, Махмуджон Сапаев, раққосалар, созандалар, омавий сахнада эса театрнинг бутун жамоаси хатто қоровулигача сахнага чиқиб, завқ-шавк билан ўз вазифасини бажарар, залга эса ҳар куни одам сиғмас эди.

Композитор Саҳна асари қахрамонининг қалбини сезиш унинг бой ички дунёсига шўнғиш ҳамда куйга қалб кўри билан “жон киритиш” керак. Шундагина у куйнинг умри бокий бўлади. тингловчиларга лаззат беради, деган эди. Шу боисдан ҳам драма Ўзбекистон радиосининг олтин фондидан жой олди. Асарнинг умрбоқийлиги шундаки, театр жамоаси уни 1991 йилда яна сахнага кўйди. Хоразмликлар “Ошиқ Ғариб” ни соғинган экан яна театр гавжум бўлиб кетди. Композиторнинг шогирдлари асар мусиқасини иштиёқ билан чалдилар. Устознинг руҳини шод этдилар. “Ошиқ Ғарибни” доврўғи яна элга таралди.

ИНТЕРВЬЮЛАР

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Ўзбекистонимизнинг буюк композиторларидан бири Абдушариф Отажонов санъаткорлар оиласида дунёга келади. Иккинчи жаҳон уришида қатнашиб, ярадор бўлиб, 1944-йилда қайтиб келадилар. 1951-йилда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига Абдушариф Отажонов туфайли Комилжон Отаниёзов ва гижжакчи Матниёз Юсупов ўқишга кирадилар. Мен уйлайманки, ҳаётда шундай инсонлар борки ўзини меҳнати билан, ўзини ижоди билан, ўзини юриш туриши билан, ўзини халққа бўлган меҳр-мухаббати билан ажралиб туради. Мана шу учта инсон албатта тириклигида ўзига ҳайкал қўйиб кетдилар. Абдушариф ака 1955-йилда Хива шаҳар мусиқа мактабига директор бўладилар. Шунини айтиш керакки Хива мусиқа мактаби Ўзбекистонда энг биринчи мусиқа мактабларидан бўлиб унинг биринчи директори Абдушариф Отажонов бўладилар. 1955-йилда мен ҳам шу мактабга ўқишга кирганман рубоб синфига. Устозларимиз Эгамберган Мўминов ва Абдушариф Отажоновдан илм олганман. Абдушариф ака шу йилларда Хива халқ театрида ҳам бош дирижёр ва мусиқа раҳбари эдилар. Унда биз оркестрда “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, «Ровшан ва Зулҳумор» ва кўпгина спектаклларда қатнашардик. Абдушариф ака шунчалик даражада кучли эдиларки, дойрани олиб усул чалишда, рубобниям, тўғри келса роялниям қойил мақом қилиб ҳаммамизга ўрнак бўлиб шу даражада буюк бир истеъдодли одам эдилар. Чунки у кишини халқ меросини чуқур билишлари, мақомларимизни, Хоразм классик кўшиқларини, куйларини, лапарларини, айтишувларини

ниҳоятда яхши билганликлари ҳаммамизни хайратда қолдирарди. Шу билан биргаликда Оврупа санъатини ҳам роляда ижро қилганларида гуёки оркестр эшитилаётгандай эди. Абдушариф акани кўлларида ўқиганимиздан кейин мен Тошкент Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишга отландим устозимиз Абдушариф акани эса, Огахий номли Хоразм давлат Ўзбек мусиқали драма ва комедия театри директори лавозимига Урганч шаҳарга ўтказдилар. Бу ерда Абдушариф ака кўплаб мусиқали драмалар, комедия, кўшиқлар яратдилар. Абдушариф аканинг кўплаб кўшиқларини яхши биласизлар. Бу кишини, яъни Абдушариф Отажоновни Людвиг ван Бетховен билан таққослаш мумкин, чунки Бетховен ўзини тўққизинчи симфониясининг тўртинчи (финал) қисмида мусиқа тарихида биринчи бора сўз қўшиб хор билан «Ода радостии» яратган булса Шиллер сўзига, Абдушариф Отажонов Хоразм халқ куйига биринчи бўлиб Хушнуд Бобожонни сўзига кўшиқ вариантини яратади. Яъни сўз билан мусикани уйғунлаштириб жуда мураккаб ишга қўл урадилар. Чунки «Лазги» ўзи буюк ўлмас дурдона рақс бўлса, унга яна сўз қўйиш ниҳоятда маъсулиятли, Абдушариф ака шуниям қойил мақом қилдилар. Сўнгра Матюсуф Ҳарратов номидаги Урганч мусиқа билим юртига директор пайтларида биз бориб кўплаб концертлар берардик, уйларидаям бизни буюк композиторимиз Улуғбек Мусаев билан ижод намуналари билан танишардик. Абдушариф ака зўр санъаткор бўлиши билан биргаликда жуда ажойиб инсон эдилар. Ниҳоятда беғубор, тоза кўнгул биз шогиртларига яхши маслаҳатлар берардилар, ҳаттоки Тошкентга келганларидаям уйларимизга бориб кўлларидан келгунча ҳол - аҳвол сўраб ёрдам бериб кетардилар. Абдушариф ака ўзига ҳайкал қўйиб кетган буюк инсондир. Мени ҳалиям эсимда, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” спектаклида Абдушариф ака дирижёр ҳам роля чалардилар. Томошабинлар кўзларига ёш олиб тўлкинланиб,

қабул қилишарди,яъни дилдан дилга етиб борариши кўриниб турарди.Кўп йиллик ижодий йўлида Абдушариф ака биринчи бастакор сифатида мусикали драмалар»Ок Нилуфар»,»Ровшан ва Зулхумор»,»Олтин кўллар»вокал-хореографик сьуиталар, кўшиқ лар ёзиши билан биргаликда,симфоник поэмалар,биринчи бўлиб Ўзбекистонда чанг ва симфоник оркестри учун 3 қисмли концерт яратдилар.Бу асарни биринчи ижрочиси Ўзбекистон халқ артисти,профессор Аҳмад Одилов эди. Хозиргача бу асар консерватория ва бошка муассасаларда ижро қилиниб, талабаларни репертуаридан мустаҳкам жой олиб, суюб ижро қилинадиган асар сифатида тан олинган. Абдушариф акани кўшиқлари халқ меросига айланиб кетган мисол учун «Ошпазлик», «Почтачиман», «Палов», «Бобойжоним» «Вино» шулар жумласидандур шунинг учун биз уларни бастакор сифатидаям кадрлаб буюк санъаткорлигини тан олишимиз лозим.Шуни айтиш керакки Абдушариф ака катта ташкилотчи ҳам эдилар, мана ҳаммамиз гувоҳмизки, Хива мусика мактабини ташкил этишда, Урганчдаги театр ва мусика билим юртидларида раҳбар ва устоз сифатида,яъни учта катта масъулиятни елкаларига олиб ўзимизни миллий санъатимизни ривожлантиришига катта ҳисса қўшганлар.Улар буюк инсон бўлибгина қолмай еттита фарзанднинг меҳрибон отасиям эдилар. Уларни изини босиб ижодини давом қилиб келаётган композитор Муҳаммад Отажоновни ким билмайди дейсиз, Олимбой, қизлари Роҳатой, Фарогатой, Озодбой, Аҳмаджон. Булар ҳам етук фарзанд булиб фарзанд сифатида,отасидан ўрнак олиб,оналаридан ўрнак олиб ажойиб санъаткор булиб етишдилар. Абдушариф акани албатта шунакангги пағоналарга, баланд чўкқиларга чиқишларида ёнларида бир буюк инсон,яъни рафикалари, Ўзбекистон халқ артисти Бикажон опа Раҳимова бўлишлари албатта катта давлат бўлди, чунки улар ҳам ниҳоятда улкан истеъдод соҳиби эдилар. Буюк инсонлар ҳеч қачон

ўлмайдди, буюк инсонлар ҳар доим ўзини меҳнати билан, инсонпарварлиги билан доимо дилимизда яшайди ва доим халқимизни ичида тирикдурлар.

Рустам Абдуллаев

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлар уюшмаси раиси
Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат
мукофоти соҳиби композитор, профессор

САНЪАТ ОСМОНИНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗЛАРИ

Абдушариф Отажоновни санъатини сеҳри нимада? Мени фикримча Абдушариф акани мусиқасини Хоразм мақомлари ва халқ йўлидаги наволар жилвалантириб туради. Хоразмни фақат узига хос бўлган оҳанглари, жилваларини ижодига асос қилиб олган ва юкори даражада ташвиқ қилган буюк инсон. Мен Абдушариф ака билан ҳамкорлик қилганимдан жудаям хурсандман. Улар билан ҳамкорликда иккита спектакльни яратдик. Шулардан биттаси «Олма пишганда галинг» комедияси Ўзбекистон халқ артисти Бикажон аяга атаб ёзилган эди. Мана шу иккита асарга ҳам мусиқани Абдушариф ака ёзганлар. Мен шунга гувоҳ булганманки Абдушариф ака қандай мохир бетакрор мусиқачи, композитор, бастакор, ижрочи эдилар. Ўзларини бир гаплари бор эди, зиёфату, ўтиришларда, ташкилларда бир маънили гап эшитиб колсалар-бу заргар дердилар. Улар зарни қадрини биладиган одам эдилар. Воҳалангки чин заргар ўзлари эдилар. Уларнинг рафиқалари Ўзбекистон халқ артисти Бикажон опани таърифлайдиган бўлсак, Бикажон опани бутун сочларининг толасидан бошлаб ўзи ҳамма ёғи санъат эди. Томошабинни ром қилиш учун хали

гапирмаясаям бўларди, сахнага чиқиши билан одамлар унга ром бўлиб қоларди. Афсуски баъзи бир санъаткорларимиз бор,сўз билан ҳам,соз билан ҳам томошабинни ушлай олмайди. Бикажон опа шундай қараб туриб ушлар эдилар. Томошабин шунга махлиё бўлиб қолар эди. Кейин ҳар бир сўзни,ҳар бир қўшиқни маромига етказиб ижро этардиларки, бу бетакрор. Бу икки санъаткор бир келдию,кетди. Уларни театр оиласи деб биламан. Умрлари театрда ўтарди. Уларнинг уйи театр эди. Мана шу фарзандлари, Муҳаммаджонлар театр ҳавосини олиб катта бўлганлар. Хоразм дунёга буюк инсонларни етказиб берган замин. Абдушариф ака,Бикажон опа ҳам Хоразм тупрогини, Хоразм заминини ҳеч қачон ўлмайдиган,мангу яшайдиган фарзандлари. Мана шу тупрокқа таъзим этиб, шу тупрок хақидаги мисраларни ўқиб бермоқчиман:

Дилрабо, оташ қўшиқлар бахтимиз парвозидур,
Икки сохил ифтихори Хожихон, Шерозийдур,
Ўзбеку - Туркманни фаҳри Комил устоз созидур,
Санъат осмонининг сўнмас юлдузлари
Абдушариф Отажонов хофизаи Бикажандур,
Кўксида тоғ нола этган кўкси эл фарзандиман.
Аллоҳ раҳмат қилсин, охиратлари обод бўлсин.

Эркин Самандаров

Ўзбекистонда хизмат кўрсанган журналист,
таниқли адиб ва шоир

ЎЛМАС СИЙМОЛАР

Мен “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” Ш.Рамазанова бўламан. А.Отажонов билан 1958-йилдан вилоятимиздаги Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида фаолият кўрсатиб келганман.

Шу даврда “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” Б.Рахимова ва “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” ажойиб режиссёр Хошим ака Исломовлар ҳақида фикр - мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби” Абдушариф Отажонов театр раҳбари бўлибгина қолмасдан буюк бастакор эдилар.Драматург Юнус Юсупов асари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” пьесасига ёзган мусиқалари ҳозирда ҳам халқимиз назарида юксак қадрланиб келинмоқда.Ушбу асар бир неча йиллар давомида(6-7 мартаба) ҳалигача ёш санъаткорлар ижросида сахнадан тушмай келаётганлигининг ўзи умрбоқий асарлиги билан ажралиб туради. Мен 60-70-80 йилларда таниқли санъаткорлар “Ўзбекистон Республикаси халқ артист”лари Султонпошша Рахимова, Матёкуб Рахимов, Вахобжон Фаёзов, Қаландар Бойжонов, Ражаббийи Бойжонова, Анабийи Очилова,Махмуджон Сапаев каби устоз санъаткорлар билан елкама-елка туриб ижод қилганлигимдан фахрланаман.

Устозимиз Абдушарип Отажонов драматург Куранбой Матризаевнинг “Махтумқули” драмасига куй басталаганларида спектаклда мен Менглихон образини яратдим. Ушбу спектакль мусиқалари ўзининг мукамаллиги билан элга манзур бўлди ва қатор йиллардан буён хозиргача театр сахнасида намоиш қилиниб келинмоқда. Бунда Махтумқули ролини “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” Матякуб Рахимов ижро этган “Менглихон” образини мен ўйнаганман.

Бундан ташқари Рахим Бекниёзов ва Хошимжон Исломовлар ҳамкорлигида яратилган «Икки ўт орасида», «Сенсиз яшай олмайман», «Тун ва Нохун» каби асарларга ҳам у киши куй басталаганлар.

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” Бикажон Рахимова “Бобойжоним, кампиржоним” дуэтини М.Сапаев билан маромига отказиб ижро этишган. Ушбу ашулани халқимиз хануз марок билан тинглаб келмоқдалар. Бу асар тўғрисида “Эрталабки Хива” фильми ҳам олинган.

Ўз даврида Огаҳий театрининг Республикамиз миқёсида улкан зафарларга эришишида буюк бастакор Абдушариф Отажонов ҳамда устоз режиссёр Хошимжон Исломовларнинг муносиб улушлари бўлган десак муболага бўлмайди. Озарбайжон драматурги Узеир Гаджибеков Абдул Гусейн ўғли.

“Қайнона” мусикали драмаси сахналаштирилганида Б.Рахимова Қайнонани ва мен эса Офат образини яратиб халқимиз олқишига сазавор бўлганмиз. Бу асар ҳам бир неча йиллар театр сахнасидан тушмаган. Шу ўринда айтиб ўтишим лозимки, Бикажон опа Рахимова жуда комик актриса эдилар, сахнага чиқсалар у кишининг ижросидаги ролларни томошабинлар мириқиб томоша қилиб хордиқларини чиқарар эдилар.

Мен 1960- йилдан бошлаб театр сахнасида ижод қилиб келдим. Абдушариф ака нафақат пьесаларга, балки якка ашулаларга ҳам куйлар басталаганлар. “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”лари Султонпошша Рахимованинг “Мучук боламдан айланай”, “Бир келиб кетинг қишлоғимизга”, “Келсин авазим”, “Қахрамон қиз Оводон”, “Айрилма мендан”, “Кел-кел жоним бўстонибга” каби у яратган кўшиқлари Республика радиосининг “Олтин фонди”дан олинди, ҳозиргача эфирга кетмоқда. Бундан ташқари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Махтумқули”, “Лайли ва Мажнун” ҳам “Олтин фонд”дан

муносиб жой олган. Устоз басталаган куйлар жуда хилма-хиллиги билан халқимиз эътиборини қозонган.

А.Отажонов узоқ йиллар театр сахнасида 200 дан ортик асарларни яратган десам асло адашмайман, чунки мен устоз бастакорнинг таълимини кўп йиллар олиб, кўшиқлари билан халқимизга хизмат қилиб келаяпман ва улар орқали элимиз ҳурмат эътиборига сазавор бўлиб келмоқдаман.

Ширин Рамазонава
Ўзбекистон Халқ артисти

УСТОЗ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АРТИСТ, КОМПОЗИТОР АБДУШАРИФ ОТАЖОНОВ ТЎҒРИСИДА БИР ОҒИЗ СЎЗ

XX аср ўзбек мусиқасида, ҳеч муболағасиз, ҳеч қандай таърифсиз изини муносиб қолдирган композитор Абдушариф Отажонов бўлади. Мен, Ўзбекистон халқ хофиси, Орифхон Хотамовдан кўп марта эшитганман. Улар Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида бирга ўқиганлар. Орифхон ака айтдиларки, мусиқали драма соҳасида Т.Жалиловдан кейин халқ эшитиб мазза қиладиган асарлар яратган Абдушариф Отажонов бўлади. Буни албатта чуқур бир асоси бор. Абдушариф ака авлоди санъаткор. Уни қонида мусиқа жўш урадиган, боболари сурнайчи, оталари созчи, оналари халфа бўлганлар. Хоразм мусиқаси ўзгача бир алоҳида шева, ўзбек мусиқасининг катта бир дарёси, катта бир оқими. Уни ҳар бир оҳангги, ҳар бир жилоси, ҳар бир усули, ҳар бир мақоми, ҳар бир пардаси азалдан, асрлар давомида беқиёсдир.

Мана шу нарсаларни Абдушариф ака ўз ижодида айниқса “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” мусиқали драмасида мохирона

ишлатиб халқимизга тухфа қилган. Бу спектакль 1958 -1965 йилларгача Тошкент ва бошқа шаҳарларда бир неча юз маротаба кўйилган. Абдушариф аканинг яна бир Улуғ хизмати шундаки, деярли ҳамма Хоразмдан келган санъаткорлар ҳаммаси Абдушариф акани шогирдлари бўлади. Бу одам, бир халим одам эдики, кўчада юргандаям, туй хашамлардаям ёш болаларни тарбиялаб мусиқага тортиб, Улуғбек композитор булсин, Кадамбой виолончель чалсин, Каримбой скрипка чалсин деб йуналиш берар эдилар. Улуғларни нишонлаш ва ёд этиш биз учун катта шараф ҳам мукаддас бурч. Бизни орқамиздаги Улуғларни руҳини хурсанд қилмагунча, ҳеч қачон олдимиз обод бўлмайди. Абдушариф ака Улуғ инсон эдилар. Афсуски у киши тўғрисида етарли илмий тадқиқотлар ҳали ёритилмаган. У кишини Хоразм мақомларини нотага олишда хизматлари ниҳоятда баланд. У кишини илми, билимлари, тушунчалари жуда кенг бўлиб, асли чин кўнгилдан, чин эътиқоди билан санъатга хизмат қилган одам эди. Охиратлари обод бўлсин.

Отаназар Матёкубов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби ,
давлат мукофоти соҳиби

НОЗИК ТАЪБ ИЖОДКОР

(Нафақат элимизга манзур бўлган ижодкор...)

Мамлакатимизда дoston ижрочилигининг икки хили мавжуд бўлиб, бири Қашқадарё-Сурхондарё ва Самарқанд бахшичилик ижрочилиги бўлса, иккинчиси Хоразм бахшичилик ижрочилигидир. Хоразм бахшичилиги ўз ичига йигирмадан ортиқ дostonларни қамраб олган бўлиб, булардан “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Равшан ва Зулхумор”, “Гўруғли”, Қашқадарё-Сурхондарё

достонларидан “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, ”Орзигул”, “Маликайи айёр” каби бир қаторлари сценарий асосида театрлаштирилган ва томошабинлар бундай асарларни театрларга бориб, сахнавий ижросидан бахраманд бўлар эдилар. Катталар билан бир қаторда биз болаларга ҳам томоша қилиш баъзан насиб этар эди. Ўша даврлардаги, яъни болалик чоғларимиздаги бўлган баъзи бир воқеалар хануз ёдимдан чиқмайди. 20- асрнинг 50-60- йиллари. Ҳар бир маҳалланинг битта симёғочиди қора рангли каттагина динамик осиглиқ бўлиб, бу динамик тонгги соат 05:00дан ўз ишини бошлаб, тунги 24:30га қадар радио тўлқинлари орқали аҳолини турли хабарлар, концертлар, янгиликлардан хабардор қилиб турар эди. Мамлакатимизда иккинчи жаҳон уришидан кейинги даврлар. Урушга кетган қанчадан – қанча ватандошларимиз жангларда ҳалок бўлишиб, урушдан қайтишмаган. Уларнинг уйларига бўлса, - жангчи фалончиев фалончи ватан олддидаги ўз хизмат бурчини бажариб турганида ҳалок бўлди - деган нохуш хабар, яъни ўша даврнинг тили билан айтганда “қора хат” келар эди. Қайсидир оила аъзолари ўзининг отасидан, баъзи бирлари ўзининг акаси ё укасидан ва ҳоказоларидан жудо бўлишган. Шу даврларда радио тўлқинлари орқали эшиттириладиган концертлар жуда ажойиб бўлар эди. Халқ мусиқа меросининг турли жанрларидан, симфоник оркестрлар ижросидаги асарлардан, халқ чолғу оркестрлари ва пуфлаб чаладиган хвмда камер оркестрларининг ижро этган асарлари, хор жамоаларининг ижросидаги турли асарлар, ашулачилар ансамбли ва созандалар ансамбли, яккахон хонанда ва созандаларнинг ижросидаги ва ҳоказо ва ҳоказо асарларни тинглаш барчага баробар насиб этар эди. Яна, энг қизиғи шундаки, бу динамиклар симёғочнинг тепасида ўрнатилган бўлиб, уларнинг овозини пасайтирувчи ёхуд кучайтирувчи муруввати ҳам бўлмас эди. Унга ўчириш фақат симини узиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлиб, кўл етишиши учун фақат монтерларгина махсус мослама орқали кўтарилар эди. Баъзан мана концертлар берилган пайтда, қайсидир қўшиқ ижро этилаётганда ҳовлиларнинг ичидан аввало аста-секин, кейинчалик кучайиб-кучайиб борадиган одамларнинг

йиғлаган овозлари эшитилар эди. Баъзан шунақанги аюҳаннос солиб, дод солишар эдики, бизларнинг ўзимиз бу овозлардан ваҳимага тушар эдик, ухлаб ётган чақалоқлар эса, кўрққанидан чинқириб йиғлаб уйғонишар эди. Бу одамлар нима учун йиғлаётганига эса бизнинг ақлимиз етмас эди ва кейинчалик ақлимиз ета бошлаганда бу кўшиқнинг “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони асосида таётрлаштирилган спектаклда ижро этиладиган “Болама ўхшайди овозинг сени” эканлигини билиб олганмиз. Одамлар бу кўшиқни эшитаётиб, кўз ўнгига урушдан қайтиб келмаган жигарлари намоён бўлаверар экан ва мана шу йиғи орқали кўнгилларини бўшатишар экан. Бу кўшиқнинг ижрочисига келадиган бўлсак, ўша даврлардаги ёш истеъдодли хонанда, кейинчалик халқнинг дилидан чуқур жой эгаллаган, Ўзбекистон халқ артисти, устоз Комуна Исмоилова эди. Тўғри, дoston таркибидаги кўшиқлар воситасида кўплаб хонандалар халқ назарига тушиб, машҳур бўлганликлари барчага маълумдир. “Саёдхон Ҳамро” достонининг “На тилар мандан” кўшиғи билан Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов, «Тоҳир ва Зухра» достони таркибидаги “Намасан” ва “Бари гал” кўшиқлари билан хушовоз хонанда Жуманазар Бекжонов, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони таркибидаги “Боғ сайлина галади” кўшиғи билан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажонов каби кўплаб машҳурларни ёдга олиш мумкин. Худди шулар қаторидан Ўзбекистон халқ артисти, устоз Комуна Исмоилова биринчилар қаторидан жой олган десак муболоға бўлмайди. Ўша даврларда, яъни эндигина пластинка қўядиган мослама, яъни грамофон, патифон кабилар чиққанда, эркаклар ва отахонлар ҳам – Комунани ашуласини қўй, бир маза қилайлик- дея яна ўша “Болама ўхшайди овозинг сени” кўшиғи қайта-қайта тинглаб кўз ёшларини тўкиб ўтиришганларига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Энди биз ҳақиқатга тўғри кўз билан қарайдиган бўлсак, бу кўшиқларнинг оҳанги бўлган ва мана шу оҳанглар шеър билан ўзаро уйғунлашган ҳолда унинг таъсирчанлигини тингловчиларга кучайтириб берганлигини ҳам унутмаслигимиз керак, албатта. Мана шундайин оҳанглар бастакорларнинг қаламига мансуб

бўлган ва улар кўшиқнинг биринчи ижрочисига ўзлари қандай ижро этишни ҳам ўргатишган. Демак, асарнинг муаллифи қайсидир маънода шу ижрочиларнинг устозига айланганлар. “Болама ўхшайди овозинг сени” кўшиғининг муаллифи эса композитор Абдушариф Отажонов бўлган. Бу ижодкор ҳам Хоразм халқ мусиқа меросининг билимдони эканлигини айнан мана шу “Болама ўхшайди овозинг сени” кўшиғини яратгани, яъни булар мазкур кўшиқнинг оҳангини халқ мусиқа меросидан муносиб ўрин эгаллаган “Нолиш”дан руҳланиб басталаганликлари маълум қилади десам муболоға бўлмайди. Онанинг фарзандига бўлган соғинчи, ички изтиробини оҳанг орқали ифода этиш нақадар оғир ва мураккаблигини барчамиз биламиз. Бироқ, шеърнинг айнан “Нолиш”га хос бўлган дардлар билан уйғунлаша олиши, ва шу аснода шеър билан мусиқанинг ўзаро уйғунлашган ҳолда аввало ижрочининг ўзига ва қолаверса тингловчи – томошабиннинг юрагига бориб етишини ҳис қила олиш учун ижодкордан нақадар нозиктаъб бўлишни талаб этилишини барча санъаткорлар яхши билишади. Дарҳақиқат, ижодкорлар муаммонинг ечимини жуда чиройли тарзда топганлар. Албатта, бу бастакорларнинг дидини қанчалик нозик эканлигидан, халқ мусиқа меросидан усталик билан унумли фойдалана олишни билишларидан далолат беради. Шунини ҳам алоҳида айтиш жоизки, Абдушариф Отажонов каламларига мансуб “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” спектакли мамлакатимиз (Ўзбекистон)нинг барча вилоят театрларида кўйилиб, ижро этилган ва бу театрлар жамоаси ўзларининг гастрол сафарларида ҳам кўшни Республиканинг театр мухлисларини ўзларининг шу спектаклининг намойиши билан хушнуд қилганликлари хусусида ўз вақтида кўплаб газеталар орқали мақолаларда ёритилиб келинган. А.Отажоновнинг илк мусиқали сахна асари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” ўзбек халқининг мақомларидан, мумтоз ашула ва дostonларидан, фолклор мусиқий мероси асосида бунёдга келган эди. Шунинг учун ҳам бу жанр ўзбек томашабинларининг энг севимли маданий мулкига айланди. Бундан ташқари А.Отажонов 25дан

зиёд мусикали драма ва комедияларга мусика яратиб эл эътиборини қозонгани барчимизга маълум.

Яна бир ажойиб томони шундан иборатки, ўша даврларда, яъни 1970-йилларгача театрга кириш учун томошабинлар билет топа олишмас эди. Спектакл бошланишидан олдин театрларнинг кассалари олдида сон-саноксиз одамлар билет сўраб юришар эди. Билет тополмаганда эса, биз тикка туриб бўлса ҳам томоша қилишга розимиз, биздан пулини олингларда, биз ичкари кириб томоша қилсак бўлгани- дея театр маъмуриятини ҳолу-жонига қўйишмас эди. Айниқса халқ дostonлари асосида, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”си таркибидаги дostonлар асосида яратилган спектакллар бўлса.

Абдушариф Отажонов композитор сифатида нафақат мусикий драмаларнинг мусика муаллифи сифатида, балки ўзининг бир қатор яратган қўшиқлари билан ҳам элимизга манзур бўлган ижодкорлардан бири ҳисобланади. Нафақат Республикамиз, балки бутун марказий осие халқларининг қалбидан чуқур жой олиб, уларнинг дилини хушнуд қиладиган қўшиқлари талайгина. Порлоқ шеъри билан “Шўх ошпаз”(халқ ичида “Ошпазлик” номи билан машҳур), К. Аҳмадий шеъри билан “Почтачиман, почтачи”, Р.Бекниёз шеърлари билан “Узук тақсам билагинга”, “Бобойжоним”, “Аравакаш” ва “Ўзи билса, билсин, ўзга билмасин” каби ҳазил, сатирик ва лапарсимон қўшиқлари ўз даврида хонандалар репертуарини бойитган ва айримлари ҳозирга қадар концерт дастурларида янграб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Пировардида шуни ҳам айтишим жоизки, мен ҳам бошқа ўзим ёшдаги ижодкорлар каби, ўз вақтида юқорида тилга олинган асарларни радио тўлқинлари орқали тинглаб, спектакллари театрлар саҳнасида томоша қилиб юришдан ташқари, “Ошпазлик”, “Почтачиман, почтачи” кабиларни ижро этиб юрганмиз ва булар бизнинг ижодий фаолиятимизга ўз таъсирини ўтказмай қўймаган. Мадомики шундай экан, композитор А.Отажонов қайсидир маънода бизларга ҳам устоз ҳисобланади. Қолаверса, устоз Абдушариф Отажоновнинг асарлари узоқ йиллар давомида халқимизга маданий озуқа бериб, ёш авлоднинг комил инсон

бўлиб етишишига хизмат қилишига ишончим комилдир. Устоз А.Отажоновни оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

Журакул Тилавович Шукуров
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
Институти “Миллий қўшиқчилик”
кафедрасининг профессори, Ўзбекистон
Республикаси санъат арбоби

УСТОЗНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Мен ҳаётим давомида қандай муваффақиятларга эришган бўлсам, буларнинг ҳаммаси устозим туфайли, унинг менга бўлган меҳрибончилиги-ю, талабчанлигидан деб биламан.

...Муסיқа билим юртига мен тайёргарликсиз, яъни, муסיқа мактабида ўқимасдан кирганман. Энди 2 босқичда таълим олиб, нотага қараб муסיқа чалиш амалиётини энди ўрганиб юрган даврда, устоз мени вилоят театри оркестрига ишга таклиф қилиб қолдилар. Хайрон бўлдим. Биронта бир муסיқа асарини эплаб чалиб билмасам, нотани ҳам энди ўрганаётган бўлсам, қандай қилиб мен вилоят театри оркестрида ишлашим мумкинлигига ақлим етмасди (Бу даврда устоз Абдушариф ака Отажонов Урганч шаҳар муסיқа билим юртига директорлик қилиш бирга вилоят театрининг бош дирижёри вазифасида ҳам фаолият кўрсатар эдилар).

Аммо, устознинг узоқни кўзлаб иш тутишини кейин англаб етдим. Театр оркестридаги дастлабки ҳаракатларим зое кетмади. Ўша даврда театр репертуарида 20 дан ортиқ муסיқали драмалар бўлиб, бир ой давомида уларнинг биронтаси икки марта такрорланиб намойиш этилмасди. Уларнинг ҳар бирида камида 20-30 дан ортиқ муסיқа номерлари бўлиб, дастлабки вақтларда устод-ҳамкасбларимга эргашиб, уларни ўргана бошладим (ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, бир ой давомида 400-450 дан ортиқ

мусиқа асарлари билан танишиб чиқишимга тўғри келганлигини англаб етиш мумкин).

Театр оркестридаги ана шу иш тажрибаси менга бир умрга асқотиб, нотани “худди китоб ўқигандай ўқиш” малакаларини эгаллашга хизмат қилди десам, ҳеч янглишмайман.

Демак, илмни амалиёт билан бирга қўшиб олиб боришдек ҳаёт тажрибаси - мени келгусида яхши созанда бўлиб етишишимда асосий ролни ўйнади деб, ҳисоблашимга асос бўла олади.

Хуллас, ўз иш фаолиятимни кейинги даврида қаерда иш олиб боришимдан қатъий назар, устоз менга доим елкадош, доим камарбаста бўлиб келдилар.

У киши ўз шогирдларини яхши мутахассис бўлиб етишишлари билан бирга, уларга одамийлик илмидан ҳам сабоқ берардилар. Чунки устоз нафақат ўзининг оғзаки кўрсатмалари билан, балки, ўз шахсий намунаси билан ҳам бизга ҳар соҳада ўрнатиб қўлиб келганлар.

Биргина мисол келтираман: устоз мендан 16 ёшга катта бўлишига қарамасдан, бирон-бир иш билан кабинетига кириб қоладиган бўлсам, ногиронлигига қарамасдан, мени тик туриб, қарши олардилар. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгандан кейингина ташрифим мақсадини суриштирардилар.

Давр тақозоси билан менга худди устоддек вилоят санъат даргоҳларига (1979 - 86 йилларда вилоят филармониясининг директори ва бадиий раҳбари бўлиб ишладим) раҳбарлик қилиш, устозни ўрнига театр оркестрида бош дирижёр бўлиб ишлаб, айрим муסיқали асарларга муסיқа басталаш каби ишларни бажаришга тўғри келди. Буларни барчасини удалашда устознинг доимий маслаҳатлари, устозона ўғитлари менга доим мададкор бўлиб келди.

Кейинчалик барибир, устоз менда санъаткордан кўра кўпроқ педагог – муסיқачини кўра билгани ҳаётим давомида ўз исботини

топди. 1995- йилдан то ҳозирги давргача мен Урганч давлат университетиде фаолият кўрсатиб, дастлаб ўқитувчи, кейин эса катта ўқитувчи, доцент ва профессор каби зинапоярлардан бирма-бир чиқиб келишимга тўғри келди. Олий ўқув юрти талабалари учун бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмаларим нашрдан чиқди.

Устозимни менга берган сабоқларини, ўғитлари-ю – насиҳатларини бирма-бир санаб чиқиш ниҳоятда мушкул вазифа. Аммо, шунини биламанки мен устозимсиз ҳеч кимман. Сўзимнинг бошида келтирган иқтибосим, яъни мен ҳаётда эгаллаган барча чўққиларда устозимнинг беқиёс улуши борлиги, унинг менга қилган оталардек панд-насиҳатларининг самарасидир.

Қадамбой Раҳимов

Урганч давлат университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ, БАСТАКОР АБДУШАРИФ ОТАЖОНОВ ХАҚИДА

70-йиллар даври эди, Хоразм телевидениясидан катта санъаткорлар Абдушариф Отажонов, Хайитбой Бобожанов, Матёқуб Раҳимов каби устозлар Хоразмда пуфлаб чалинадиган чолғулар йўқолиб кетганлиги, ёшларни бу чолғуларга қизиқтириш мактабларини ташкил қилиш ҳақида куйиниб гапирдилар.

Ўша пайтда оиламиздан Ботир акам Урганч шаҳар Матюсуф Ҳарратов номидаги билим юртида ўқир эдилар. Юқориде айтилган устозларни куйинганлиги Ботир акамга ҳам ўтиб, уйга келишлари билан-“Матрасул сурнай-қўшнаи чолғулариде ўқийди” дедилар. У пайтда бизнинг оиламизда созанда бўлмаган, биз дадамга ёрдамлашиб ғишт қуяр эдик. Акамни шу гапларидан кейин ойим мени ўша пайтдаги кучли сурнайчи Матёқуб

Оллоёровга шогирдликка олиб бордилар. Устоз пуфлаш йўлларини ўргатиб мени чолғу билан таъминладилар. Кейинчалик шу даражада ишонч билдириб яккаю-ягона қизларига куёв қилдилар. Устоз айтдиларки-“ Болам мен сенга чолғу услубини ўргатаман ва чолғуни ўзи билан таъминлайман лекин, мен нотани билмайман ва сенга диплом бера олмайман, шунинг учун сен билим юртига ўқишга кирмасанг бўлмайди” дедилар. Устозимнинг маслаҳати ва Ботир акамнинг қистови билан 1973-йил Урганч шаҳар Матюсуф Харратов номидаги билим юртига чанг синфи бўйича ўқишга қабул қилиндим. Шу сабабданки, мен мусиқа мактабида Санъат Зариповни чанг синфида ўқиб келган эдим. Мен ўқишга кирган вақтда халқ чолғулари бўлимида сурнай-қўшнаё ўқитувчиси йўқ эди. Мен чанг синфининг ўқитувчиси Бахтиёр Сапаев бошчилигида 6 ой таҳсил олдим. Шу ўқув йилининг иккинчи фримиди “Эълонлар тахтаси”да сурнай бўйича ўқишни хоҳловчи талабалар 12-синфга кирсин деган ёзувни ўқидим. Ёнимда СаДДинов СаДДи ҳам бор эди, биз чошиб бориб устоз Файзулло Матчоновга учрадик. Устоз янги синф очилгани бу ишнинг бошида шахсан директор (ўша пайтда Абдушариф Отажанов билим юрти директори лавозимида иш фаолиятини юритар эди) турганини агар биз хоҳласак директорга учрашимиз мумкинлигини айтдилар. Биз чопқиллашиб директор олдига кирдик. А.Отажоновни ўша пайтдаги сиймолари ҳеч эсимдан чиқмайди. Чунки кўрка-писа кирган болакайларни билим юрти директори қандай қабул қилади, бизни бошқа чолғуга ўтказадими? Қувиб чиқарсачи деган ўй-андишалар билан кирган эдим. Кўз олдимда нур таратган сиймо, очиқ юз билан бизни қарши олдилар. Гапларимга қулок солиб туриб сўрадилар- “Олдин ҳам сурнай чалганмисизлар? (У инсон ҳаммани сизлаб гапирар эдилар. Мен Хива шаҳридаги мохир созанда Матёкуб Оллоёровда шогирд эканимни, қўлимда тоғаларидан қолган сурнай ҳам борлигини айтдим. Мени шу

вақтнинг ўзида сурнай ўрганиш учун Файзулла Матчонов синфига ўтказдилар ва бу синфни очиш учун Хоразм вилояти Огаҳий номли мусикали драма ва комедия театри устоз чолғучиси Файзулла Матчонови кўп қийинчиликлар билан билим юртига ишга олиб келганини гапирдилар. Шу кундан бошлаб сурнай синфида 12 та талаба Файзулло Матчонов кўл остиларида таҳсил ола бошладик. Сизга маълум сурнай овози кучли чолғу, мен синфда устозим Матёкуб Оллоёровдан ўргана бошлаган “Елпасанди” куйини машқни қилиб турсам, сизни директор чақиряпти дейишди, чопиб хоналарига кирсам устоз кулиб турдиларда-“Бир-икки жойларида усулга тушмаяпсиз шунини тўғрилаймиз” деб доира усулини столда чала бошладилар ва ўзлари оғизлари билан хиргойи қила бошладилар.

Устоз ижод масканига шўнғиганда вақт билан ёки ўша пайтдаги ҳолат билан ишлари бўлмас эди. Қўлларини оғриганига ҳам қарамасдан “Елпасанди” куйини охиригача ўргатдилар. Биз машқ қилган вақтда билим юрти директорлиги ва шу каби бошқа ишлар тўхтаб турар эди. Куйини охиригача ўргатиб, ўзлари эшитиб кўриб маъқул бўлмагунча тиниб-тинчимас эдилар.

Устозни доира чалиш санъати шу даражада юксак эдики мен ҳозирги давргача бундай аниқ маромига етган усулчини кўрмадим деб айта оламан, чунки устоз усул берадиган куйини ижрочисидан ҳам яхши билар эдилар, бунинг сири худди ана шунда деб ўйлайман.

1974-йилдан бошлаб Абдушариф Отажанов ва ўша пайтда Хоразм вилояти Огаҳий номли мусика ва драма театри мусика раҳбари Хайитбой Бобожонов билан келишиб мени биргаликда ишлашга таклиф қилишди.

Абдушариф Отажановни узоқни кўзлаб иш қилганини қарангки биз ўша пайтдаги мурғак болалар Хоразм вилоятининг забардаст санъаткорлари Султонпошша Рахимова, Назира Юсупова, Матёкуб Рахимов, Бикажон Рахимова, Бекжон

Отажонов, Шариф Болтаев каби кўплаб устозларни таълимини олдик, шу билан бир қаторда биз талабалар Рўзимбой Матякубов, Пўлат Ниязметов, Матрасул Матякубов шунга ўхшаш 10 тага яқин талабани турмуш шароити ҳам яхшиланди ижро маҳоратимиз ҳам ошди.

Устоз мени эркалаб “Матти бува” деб чақирар эдилар. Нимага бундай чақирасиз тўғридан-тўғри исмимни айтиб чақирсангиз бўлмайдимиз десам, чунки сурнай чаладиган катта бува бўлиши керак, сиз ёш бўлсангизда жуда эски хунарни ўзлаштиряпсиз, шунинг учун ҳам сиз “бува”сиз дердилар.

Устозни яна бир хусусиятларидан бири шундан иборат эдики, яхши созандани иложи борича сийлар эдилар, аяр эдилар. У пайтларда пахта теримига сафарбарлик жуда қаттиқ талабчанлик билан бўлар эди. Устозни одати пахта терими бошланиши билан яхши созандаларни танлаб олиб билим юрти қошида ансамбл тузар эдилар. Шулар ижросида концертлар агитбригадалар ўтказар эдилар. Буларнинг сабабларини энди тушуниб етяпман. Созанда йигит-қизларни кўллари оғир меҳнатдан қотиб қолиб чолғуга, хонандалар овози шамоллаб қолиб куйлашга ярамасдан қолмасин деб бизни эҳтиёт қилар эканлар.

Устоз Хоразм мақомларини ҳам яхши билар эдилар бунга мисол 1981-йилда Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик таваллудига бағишлаб ЮНЕСКО томонидан ўтказилган Халқаро анжуманда Хоразм танбур чизиғидан Рост мақомини ва Тарже Гардунларни Озод Бобожонов билан қайта тиклаб талабалар ансамблига ижро қилдирганлар.

МАТРАСУЛ МАТЯКУБОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Юнус Ражабий номидаги мақом санъати институти профессор

УСТОЗ МЕХРИ

Устоз, Абдушариф Отажоновнинг минг-минг шогирдларидан биттаси Туркманистоннинг Тошовуз райони Ленин колхозида таваллуд топганман. 12-сон ўзбек мактабида ўқиган пайтларимда мусикага қизиқишим бошланган. Бизнинг қишлоғимизга Ўзбекистондан «Мафтунингман», «Маҳаллада дув-дув гап» деган кинофильмлар келарди. Мен шу фильмдаги «Сартарош» қўшиғини ўрганиб айтиб қишлоғимдагиларни хурсанд қилиб юрардим. Кўпгина кўрикларда қатнашиб фахрий ёрликлар олардим. 1967- йилда биринчи марта дўстим Хусаинбой билан телевидение орқали чиқиш қилдим. 1965-йил, 8-синфни битиргач онамнинг оғиси Салима онам – «Сени ўз ота юртинг Хоразмга олиб бораман, бу ерда колхозда ишлаб пода бокиб юраверасан, сенда овоз бор, талант бор» дедилар. Онам шу пайтларда 80 ёшдан ошган эдилар. – «Она, молларни ким боқади?» деб сўрасам, Салима онам, жаҳли чиқиб – «Э, Онажонни молларини айттирмакчисан, ўқийсан» - дедилар. Шундай қилиб мени Хоразмда Ғойбу қишлоғидаги Отамнинг бўласи Рўзмат ота исмли қассобниқига олиб келдилар. Уларнинг ўғиллари Матмурод ДОСААФда ишлар эканлар. У кишидан мени мусика билим юртига оборишларини илтимос қилдим. Улар мени М.Ҳарратов номидаги мусика билим юртига олиб бордилар. Билим юртини эшигидан кирсам, ҳаммаёқ ремонт бўлаётган экан. Чап тамондаги эшик очик, узун стол. Столни бошида сочлари жингалак жуда чиройли, келишган одам ўтирган экан, кейинчалик билсам улар устозим Абдушариф ака Отажонов эканлар. Улар менга, келинг келинг дедилар.

Мен эса ўқишга кириш учун келганимни айтсам, улар дедилар-ки – «Хали вақтли, имтиҳонлар 1 ойдан кейин бошланади.» - дедилар. Мен уларга колхозда ишлаганлигимни айтдим ва кела олмаслигимни айтсам, улар Озодбой қашқар

рубобни олиб кел дедилар. Озод ака Ўзбекистон халқ артисти Матёкуб Рахимовни ўгиллари экан ва шу билим юртида ўқув бўйича мудир бўлиб ишлар эканлар. Улар менга рубобни узатсалар, - «Кечирасиз, чалишни билмайман, лекин ашула айтаман» - дедим. Устоз кулиб, - «Қани қани, айтчи», - дедилар. Мен СССР халқ артисти Шоиста Муллажонованинг «Мухаббат» номли кўшиғини бошладим. Қўшиқ шунақангги зўрки, уни истаганча чўзиш мумкин. Хурсанчилигимдан, қанча чўзганимниям билмай колибман. Устоз қарсақ чалиб юбордилар ва бошқа рус аёлларам қарсақ чалиб «Ещё пой» дедилар. Мен шу ашулани яна бир икки марта айтдим. Биттаси:- “Вот это Робертино Лоретти” деди. Устозим - Абдушариф ака: «Сен билим юртига кирдинг, 1-сентябрга ҳужжатларингни олиб келавер», - дедилар. Шундай қилиб, қабул имтихонлари бошланишидан бир ой олдин ўқишга қабул қилинганман.

Уйдагилар ишонишмайди ўқишга кирганимни ва колхоздан справка ҳужжатларни тўғирлаб олиш ниҳоятда кийин кечди.

Сентябр ойига ҳам оз колган эди шу пайт Хоразмда «Холера» касаллиги пайдо бўлиб карантин эълон қилиниб ҳамма жой бекилиб қўйилган экан. Садулла акамга мени чегарага олиб боринг десам, мумкин эмаслигини ва жуда хавфлилигини айтдилар. Мен ҳаттоки пиёда булса ҳам 70 километр йўлни босиб ўтишга тайёр эдим. Тошовуз шаҳар темир йўл вокзалида Абдулла ака исмли танишимиз ишлардилар ва уларникига бордим, чунки уларнинг уйлари темир йўл вокзали ёнида эди. Вокзал биноси жуда чиройли эди. Ичига кириб гапирса акс садо чиқарди.

Худони берганини қарангки, акамни рус дўсти Тепловозчи: «Нурилло, ты чего здесь ходишь туда-сюда?», - деб сўради. Мен дардимни унга айтдим. «Ну, тогда спой что-нибудь» - деди. Мен вокзални ичида ашула бошладим. Ҳамма хайрон, микрофонни кераги йўқ, машинист эса жуда хурсанд бўлиб: «Мен сени бир амаллаб Урганчга олиб бораман, бир соатдан кейин жўнаймиз», -

деди. Шундан кейин мен акамни уйига бориб онажонимдан фотиҳа олиб вокзалга қайтиб келиб тепловозга чиқдим. Поезд «Товарный» экан, Хоразмнинг Шовот туманигача ашула айтиб келдим. Ойнадан қарасам урушли кинолардигадек ҳамма ёқ солдат. Машинист мени тепловоз асбоб ускуналар сақланадиган кичкина жойга жойлаштирди. Солдатлар кириб ҳамма ерни текширдилар ва ҳеч нарса топмадилар. Поезд яна юриб кетди, мени ҳалиги жойдан тортиб олди. Ичимдан, ўлсам ҳам ўқийман деб ётибман.

Урганчга келганимизда соат кечаси 11 лар эди чамамда, ҳамма жой солдатлар билан ўралган. Машинист мени яна ўша жойга жойлади. Солдатлар кириб машинистларни поездан тушуришди ва ўз қўмондонларига ҳисобот беришди, яъни поездда ҳеч ким йўқ деган маънода. Қўмондон дезинфекцияни бошланг деб буйрук берди. Мен бўлсам ҳаммасини эшитиб ётибман. Тепловоз ичига чидаб бўлмайдиган аччик газ юборишди. Мен қўйлагимни учини бурнимга қўйиб зўрға нафас олардим. Йигирма минутлардан кейин машинист кириб келди: «Абдуллага нима дейман, укаси ўлиб қолган бўлса» деб. Мен заҳарланган маст аҳволда эдим: «Тузукмисан?»- деди машинист. «Тузукман»- дейман гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа йиқилиб.

Бир аммаллаб, итларга таланиб соат кечаси ўн иккиларга етиб бордим қариндошларникига.

Эргалаб биринчи сентябр куни билим юртига борсам, мендан бошқа ҳеч бир талаба йўқ экан. “Холера” касаллиги туфайли ҳамма карантинда экан.

Карантин тугагач ўқиш ҳам бошланиб кетди. Мени хор дирижёрлик бўлимига олишган экан. Устоз, Абдушариф ака мени жуда яхши кўрар эдилар. Ҳар куни янги ашулалар ўргатар, бошқаларга ўргатганларида авжини ололмаганларида эркалаб: «Нурбува, олиб курсат» дердилар. Мен бемалол авжини олиб кўрсатар эдим. Номимиз ҳам чиқди: «Хоразм Робертиноси» деб

газетада. Кўп концертлар берардик. Билим юртида эрталабдан кечгача машқ қилардик устоз Жўра Хотамов билан ва кечаси соат ўн-ўн бирларда олтинчи автобус билан қариндошларникига борардим. Улар кўркиб ўтирар эканлар, қаерга кетди экан бу деб. Бир куни Рўздат отам: «Қайерларда юрасан?» деди. Мен куни билан машқ қилишимни тушунтирдим. “Агарда бордию йўқолиб қолсанг, мен нима деб жавоб бераман уйдагиларингга?” дедилар. Шунин билан қариндошларимизникидан чиқиб кетиб Қорақолпоғистонлик дўстим Қулмуҳаммад билан Ўзбекистоннинг 25 йиллиги номидаги кинотеатр орқасидаги ойна эшиги йўқ жойда ювиб артиб ойна эшигига целофан тутиб яшай бошладик. Устоз, Абдушариф ака, жуда кўп ёрдам бердилар. Яшагани жойим йўқ пайтида мехмонхонадан жой, кундуз ва кечки овқат берадиган лента билан таъминлардилар. Икки йилгача уйга бормадим, чунки йигирма сўм степендияга тирикчилик қилиш керак эди. Бир куни катта акам келиб қолдилар. Улар тошсака деган тош олиб келар эканлар. «Ука бугун ойлик олдим» дедилар. “Нима олиб берай?” дедилар. «Менга аккордеон олиб беринг» дедим. «Майли»,- дедилару олиб бердилар. 1966- йили балоғат ёшига етиб овозим расида бўла бошлади. Устоз, Абдушариф ака яна ёнига чақириб: – “Энди аккордеонни яхшилаб ўрган, мен сени театрга ишга оламан” дедилар. Бир ҳафтадан кейин устоз имтихон олдилар. Мен «Дилдор-2» аккордеонда ижро қилиб бердим. Театрда яшаб ишлаб кундузи билим юртида ўқишни давом этдим. Театрда устоз Абдушариф Отажоновнинг қаламларига мансуб «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Тохир ва Зухро», «Махтумқули» спектакллари ва шунга ўхшаган йигирматадан ортиқ пьесаларни кечаси билан ёдлар эдик. Театрда ҳам раҳбаримиз ҳам композиторимиз ҳам дирижёримиз устозимиз ҳурматли Абдушариф ака Отажонов эдилар. Театримиз эса доим томошабиндан тўла эди. 1969-йилда Театримиз билан Тошкентга

бир ойга гастрол концертлар ўтказишга келдик. Бу спектакл ва концертлар “Бешёғоч”нинг ёзги театрида бўлди. Мен шу кунларда Тошкент давлат консерваториясига имтиҳон топшириб, ўқишга кириб талабалар сафидан жой олдим. Тошкентда устоз Ортик Отажонов билан ижод бошладик. “Лазги” ансамбль билан кўпгина чет эл сафарларида бўлиб концерт бердик. Ўз юртимизда кўп концертларда устоз Комилжон ака Отаниёзов ёнларида аккордеон чалдим. Устозим, Абдушариф Отажоновни жойлари жаннатдан бўлсин. Худойимга беадад шукурлар айтаманки, шундай устоз билан учратганига. Уларнинг таълимини олиб кам бўлмадик. 1993-йилда хизмат кўрсатган унвонга ҳам сазовор бўлдим. Абдушариф ака Отажоновга минг-минг раҳматлар бўлсин.

Нурулло Жуманиёзов
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист

МЕНИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИМ

Мен 1965-йилда мактабни битиргандан кейин, Хоразм педагогика институтига ўқишга кирдим 1970- йилда ушбу даргоҳни битиргач, Урганч шаҳар мусиқа билим юртига рус тили фанидан ўқитувчи бўлиб борганман. Институтда ўқиб юрган кезларимда турли танлов ва жамоат тадбирларда ашулалар айтардим. Ёшлигимдан санъатни яхши кўрганлигим туфайли, ашула айтишни кичкина лавхалардан роль ўйнашни яхши кўрардим. Шу боис тадбирларда фаол бўлишга интилардим. Абдушариф Отажонов ўша пайтлари Огахий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театр директори бўлиб ишлардилар. Ҳамма тадбирларда фаол иштирок қилиб юрганимни кўриб, мени театрга ишга таклиф қилдилар.

Буни қаранг мусиқа билим юртига рус тили ўқитучиси бўлиб борганимда Абдушариф Отажонов ҳам мусиқа билим юртига директор лавозимига тайинландилар. У даргоҳда бирга ишладик, Абдушариф-ака мени азалдан яхши билардилар. Ёнларига чақириб: «Гулора, яхши овозинг бор, сен академик вокал бўлимига бор, мана яқинда очилди.» - дедиларда мени вокал синфига ёздирдилар. Ҳам вокалдан таълим олардим, ҳам рус тили фанидан дарс берардим. Кейин театрға малакавий амалиётига бордик. У ерда концертларда, спектаклларнинг кичик кўринишларида қатнашардим. Бирон сабаб бўлиб, театрға боролмай қолсам Абдушариф ака ёнимга келиб: «Гулора сенга айтганман, театрнинг ишини биринчи ўринга қўй, қолган ишлар кейинги даражали» -деб таъкидлардилар. «Сен театрни келажагисан, келгусида шу театрнинг қахрамони бўласан, театр сен билан ривожланади» - деб менга кўп айтардилар. Мени актриса бўлишимда Ўзбекистон халқ артисти сифатида элга танишимда устозим Абдушариф Отажовнинг хизматлари жуда катта. Абдушариф Отажоновнинг ёзган асарларида Хоразм фольклори, Хоразм мақомлари оҳанглари сезилиб туради. Ҳар бир асари профессионал даражада яратилган. Мен илк маротаба театр сахнасида устознинг Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам мусиқали драмасида рол ижро этганман. Ушбу мусиқали драмада олти маротаба турли хил ролларда чиқишлар қилдим. Ғарибнинг синглиси ва онаси ролларни ижро этганман. Мусиқали драмадаги ҳар ариялар, кўринишлар мукамал даражада яратилган бўлиб халқимиз томонидан энг кўп томошабинга эга бўлган асарлардан бири бўлди десам муболаға бўлмайди. Бундан ташқари Абдушариф Отажоновнинг “Жавохир“, “Фотима кампирнинг лотереяси” ва бошқа кўплаб спектакларида роллар ижро этганман. Абдушариф-ака нафақат бизнинг театр учун, балки Ўзбек мусиқа санъати учун улкан тамал тошини қўйган ижодкорлардан биридир. Устоз қайси спектаклга куй ёзган

бўлса, бу куйлар халқнинг юрагидан жой олиб улгурган. Мана бир мисол- «Сенсиз яшолмайман» спектаклдаги «Бобойжоним» дуэти илк мартаба Ўзбекистон халқ артисти Бикажон Рахимова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуджон Сапаевлар томонидан ижро этилган бўлиб, бугунги кунга қадар халқимиз томонидан севиб тингланади. Айёмий (Юнус Юсупов) сценарияси асосида яратилган «Тож ва Қон» деб номланган асарга Абдушариф Отажонов мусиқа басталаганлар. Сегоҳ макоми оҳанглари билан мохирлик билан фойдаланганлар. Мен ушбу спектаклда Тўрабекжоним образини яратганман. Кейин диапазонли арияларни ижро қилдим. Яқинда қаттиқ бетоб бўлиб қолдим, менда «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» мусиқали драмаси куйлари асосида кичик асар яратиш ғояси пайдо бўлди. Кейин Хоразм дoston куйлари асосида «Битта актёр театри» деб номланган сценарий ёзиб кичик спектакл яратдим. Келгусида ушбу спектаклни сахналаштириб халқимизга тақдим қилиш ниятидаман.

Ўзбекистон халқ артисти Гулоро Рахимова

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Хурматли дўстлар, Хоразм санъатининг ўзини йўли бор, Бухоронинг ўзини йўли бор, Тошкент-Фарғона санъатининг ўзини йўли бор. Мана шу Тошкент-Фарғона санъатининг йўлида кўп нарсаларни ижро қилганман, аввало сабабчи аллоҳ бўлса, колаверса устоз Абдушариф ака Отажонов бўладилар. М.Ҳарратов номидаги Урганч мусиқа билим юртида ўқиганимда у киши билим юртимизнинг директори эдилар. Елкамдан тутиб, силтаб шу йўлда «Гирё», «Бир келиб кетсин», «Куйгай», «Фарғона тонг отгунча» номли классик ашулаларни ўргатар

эдилар. Устоз, Комилжон Отаниёзов дунёдан ўтганларидан кейин, 1977- йилда Хоразм телевидениеси билан ҳамкорликда шу кўрсатувни олиб борганлар Шунда устоз Комилжон Отаниёзов ижро этган кўшиқлардан бир соатлик концерт беришга сазовор бўлганман.

Энг биринчи, кўлимдан ушлаб, кўп миллионлик халқимиз олдига сахнага санъатимни тақдим этганлар ва бевосита телевидение орқали намойиш этганлар. Ўғиллари Муҳаммаджон билан бирга ўқиганмиз, бирга катта бўлганмиз. Шу устоз. Абдушариф акани машқ қилаётган пайтида, ёки янги куйлар яратаётган вақтида, мана шу «Лазги» ансамблга келиб ўргатаман, устозни репертуаридан олиб ансамблчиларга ўргатаман деган мақсадда борган вақтларимда устознинг машқи устидан тушиб қолиб устозни ва рафикалари, Ўзбекистон халқ артисти Бижажон опа Рахимовани овозларини магнит тасмасига ёзиб олиш бахтига сазовор бўлганман ва ҳозиргача ўз фонотекамда сақлаб келишга муяссарман. Устозимизни аллоҳ ўз паноҳида асрасин, охиратлари обод бўлсин.

Раҳматжон Қурбонов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

БАҒРИ КЕНГ, САҲОВАТЛИ ИНСОН

1970- йили мен олий даргоҳ – Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини мусиқа-педагогика факультетини битказиб, она юртим Хоразмга келиб, вилоят мусиқа ҳаётига шўнғиб кетдим.

Шу даврдан бошлаб қайси даргоҳда ва қайси лавозимда ишлашимдан қатъий назар, Хоразм мусиқа ҳаёти ва унинг раҳнамоси бўлмиш композитор Абдушариф ака Отажонов билан яқин ижодий алоқада бўлиб келдим.

Бу киши вилоят миқёсида ўтказиладиган барча оммавий-маданий тадбирларнинг бевосита ташкилотчиси, бадий раҳбари сифатида менинг хотирамда муҳрланиб қолган.

А. Отажонов бу даврда Урганч шаҳар мусиқа билим юртининг директори бўлиши билан бирга Огахий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг бош дирижёри вазифасида ҳам фаолият кўрсатиб келар эдилар.

1970-80 йилларда вилоятнинг бир қанча туманларида бадий ҳаваскорлик даражасидаги ашула ва рақс ансамбллари ташкил қилиш ишлари оммаланиб кетган эди. Шу жумладан, Меҳнат Қаҳрамони Искандар ака Дўстов раислигидаги бизнинг Боғот тумани Наримонов номи колхозда вилоятда биринчи бўлиб, ана шундай ансамбль ташкил қилинади. Бу жамоа вилоятда тузилган биринчи ансамбл бўлгани сабабли, унга “Қалдирғоч” номи берилган. Кейинчалик бу ансамблга “Халқ ансамбли”, “Бутуниттифоқ ёшлар иттифоқининг лауреати” каби Фахрий унвонлар берилди.

Мен шуни айтмоқчиманки, устоз Абдушариф ака Отажонов мана шу жамоанинг ташкил топишига бевосита раҳбарлик қилиб, уни зарур мусиқа репертуарлари билан таъминлашда, ансамбл ишторокчиларининг бадий маҳоратини оширишда, жамоани янги созанда, хонанда ва бошқа ижодий ходимлар билан тўлдириш ишларига бош-қош бўлиб келганлар. Шу ерда эски бўлса ҳам, бир мисол келтирмоқчиман: ўша даврдаги Иттифоқнинг бош раҳбари Л.И.Брежнев Тошкентда ўтказилган катта бир йиғилишда “Золотые руки выращивают белой хлопок” деб иқтибос келтирганда бутун зал тик оёққа туриб, “дохий”нинг бу сўзини олқишладилар. Кейинчалик шоир Хушнуд Абдуллаев “Оқ олтинни яратади олтин қўллар” каби нақарот билан бир шеърий дoston яратади. Бу дoston асосида композитор Абдушариф Отажонов “Олтин қўллар” номи билан катта вокаль-хореографик сюита яратади. Бу сюита ансамбл жамоаси билан Москвада катта бир тадбирда ижро қилиниб, улкан маваффақият қозонади.

Шуни таъкидлаш жоизки, А. Отажонов нафақат бизнинг “Қалдирғоч” ансамблига, балки вилоятда тузилаётган бошқа

ўнлаган ана шундай ижодий жамоаларнинг ишларига раҳнамолик қилиб келдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Абдушариф ака Отажонов республикада на фақат 30 яқин мусиқали драма, бир қанча хор асарлари, вокал-хореографик сюита ва бошқа асарлар яратган йирик бастакор сифатида, балки вилоятнинг маданий ҳаётида ўзига хос из қолдирган жонкуяр раҳбар, менга ўхшаган кўплаган шогирдларни тарбиялаган меҳрибон устоз сифатида умрбод ёдимда қолган.

Шермат Файзуллаев

Ўзбекистонда хизмат кўрстаган артист,
“Қалдирғоч” халқ ансамблининг бадий раҳбари.

СЎНМАС МЕРОС

Абдушариф Отажанов санъатини таърифлаш, айрим хусусиятларини ёритиш борасида уларнинг ҳамкасблари, шогирдлари ва маҳалладошларининг эсдаликларига таянган ҳолда ушбу монография тайёрланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва композитор Абдушариф Отажановнинг ижоди ва фаолияти санъат мухлисларига яхши таниш. Саҳий қалбли, заҳматкаш санъаткор ўзидан сўнмас мерос қолдирган. У яратган дилрабо куй ва кўшиқларни кулоқлардан ҳали жаранги кетган эмас.

Санъатнинг илдизлири халқ меросидан бошланади. Абдушариф Отажанов ўзбек мусиқа маданияти, хусусан Хоразм воҳасининг, қадимий ва навқирон анъаналари негизида юзага келган ҳамда вояга етган ижодкор. Унинг ижод бўстониغا кичик бир саёҳат тарзида тузилган ушбу монографияда бу ижодкорларни мусиқа меросимизнинг бой анъаналари, тарихий ақидалари, ўзига хос хусусиятлари заминида кўришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ҳар бир элнинг ўзига хос табиати, иқлими ва мусиқий шевалари мавжуд. Хоразм мусиқа анъаналарининг ўзига хос хусусияти мусиқа ҳаётининг ижро этиш услубида ва чолғу созларидан тортиб, мустақил ўзига хос жанрларнинг мавжудлигида намоён бўлади. Уларни (ҳисоблаб) санаб чиқишнинг ўзи катта иш. Анъана заминида қанчадан қанча устозлар юзага келган. Ана шундай ажойиб анъаналарни бизнинг давримизда ривожлантирган, ўлканинг куй ва оҳанглари, шеvasини замонавий мазмун билан бойитган композитор Абдушариф Отажановдир.

Абдушариф Отажанов 1924-йилнинг 1-январида Хива шаҳрида санъаткор оиласида дунёга келган. Унинг бобоси ва отаси “созчи уста” номи билан танилган сурнайчи бўлишган. 1932-йили бошланғич ўрта таълим мактабида, сўнгра ёшлар мактабида ўқиди, 1937-йили Хива қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Мазкур ўқув даргоҳида мусиқа тўгаракларига ҳам қатнашди. Ўзининг ижрочилиги билан обрў эътиборга эга бўлган 15 ёшли Абдушариф 1939-йили Хива шаҳридаги вилоят колхоз - совхоз театрига ишга таклиф қилинди ва шу пайтдан унинг меҳнат фаолияти бошланди.

1942-йили А. Отажанов ҳарбий хизматга чақирилди ва Калинин, 2 -Белорусия фронтларида жанг қилди. 1944-йили 23 июн куни оғир ярадор бўлиб, бир оёғидан ажралди. Госпиталларда даволангандан кейин 1945 йили армия сафидан озод этилиб, Ватанига қайтди.

1945 - 1951 йилларда А. Отажанов Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида созанда, мусиқа бўлими маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Оврўпо нота тизимини кўп овозли мусиқа қоидаларини ўрганиш эҳтиёжи билан 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимида ўқиди ва унга эргашиб К.Отаниёзов, М. Юсупов ва С.Ҳайитбоевлар ўқидилар.

1955- йили ўқишни битириб, А. Отажанов Хива шаҳрида болалар мусиқа мактабини ташкил этди. Унга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда Хива шаҳар маданият бошқармаси театри мусиқа бўлимининг эмакдоши вазифасида ишлади. 1959 - 1964

йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма ва комедия театри директори ва дирижёри лавозимларида ишлайди, иш билан бир пайтда Тошкент давлат консерваториясида композиция бўйича сиртки бўлимда профессор Б.И.Зейдман синфида ўқийди. 1964- йили А.Отажанов чанг ва симфоник оркестр учун концерт билан консерваторияни муваффақиятли битирди. Олий маълумотли мутахассис Урганч мусиқа билим юрти директори лавозимига тайинланди. 1967 - 1973 йилларда у Огаҳий номидаги театр директори ва дирижёри, 1973 - 1980 йилларда Урганч мусиқа билим юрти директори бўлиб ишлади. 1980 - 1986 йилларда театрга қайтиб, бош дирижёр вазифасида ишлаган.

Ўтган асрнинг 40-50 йилларда Ўзбекистонда миллий мусикали драма жанри мукамал равишда шаклланди ва раванк топди. Бу соҳада мазкур даврда Ўзбекистонда истеъдодли миллий драматург, композитор, дирижёр, режиссёр, хонанда-актёрлар етишиб чикдилар. Улар ўзбек мусикали театрининг ижодий ривожланиш жараёнида самарали ҳисса қўшдилар. А.Отажанов Хоразм вилоятида мусикали драма жанрини ривожланишига катта ҳисса қўшган ижодкорлардан бири.

А. Отажанов ижодий фаолиятида мусикали драма ва комедия жанрлари муҳим аҳамиятга эга. Драматурглар билан ҳамкорликда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма ва комедия театрида қуйидаги асарлар сахна юзини кўрди: “Ок нилуфар” (Р. Тагор асари, Овчинников, С. Оспос ва А. Бобожоновлар таржима ва инсценировкалари, 1958 й.), “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (Ю. Юсупов пьесаси, 1958 й.), “Маърифат қурбонлари” (Э. Раҳим пьесаси, 1958 й.), “Ишқ билан ўйнашма” (А. Ҳайруллаев ва К. Аҳмадийлар пьесаси, 1960 й.), “Ким айбдор” (И. Аҳмедов ва У.Исмоиловлар пьесаси, 1960 й.), “Сенсиз яшолмайман” (Р. Бекниёз пьесаси, 1961 й.), “Тоғ қизи” (Р. Ҳамзатов пьесаси, 1963 й.), “Тош тешар” (А. Жамол, 1964 й.) “Икки ўт ўртасида” (Р. Бекниёз пьесаси, 1964 й.), “Хўжа Насриддин” (Азимзода пьесаси, 1965 й.) “Махтумқули” (Матризаев пьесаси, 1966й.), “Мавлоно Огаҳий” (Ю. Юсупов пьесаси, 1968 й.), “Меҳрибонлар” (А. Жамол пьесаси, 1970 й.);

“Тузоқ” (А. Жамол пьесаси, 1972 й.); “Али масҳарабоз” (А. Бобожонов пьесаси, 1972 й.), “Қизлар исёни” (Ю. Юсупов пьесаси, 1973 й.), “Сўнги пушаймон” (А. Жамол пьесаси, 1974 й.), “Тошлар тилга кирганда” (П. Телегенов пьесаси, таржимон Н. Комилов, 1976 й.), “Фотима кампирнинг лотереяси” (О. Матчон пьесаси, 1977 й.), “Мунозара давом этади” (К. Мирзоев пьесаси, 1981 й.), “Орзу” (Ҳ. Расул пьесаси, 1984 й.), “Жавоҳир” (Е. Самандаров пьесаси, 1984 й.) драма асарларга ҳам мусиқа басталаган, “Баҳор” М. Тамсаҳиб пьесаси, 1961 й.), “Бўронли йиллар” (Ў. Умарбеков пьесаси, 1963 й.), “Шоҳнинг боши бормиди, ё...” (А. Мухтор пьесаси, 1985 й.).

Огаҳий номидаги мусиқали театри сахнасида қўйилган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (Ю.Юсупов пьесаси), “Маҳтумқули” (Қ.Матризаев пьесаси), мусиқали драмасы театр жамоасига катта шуҳрат келтирган ва томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган.

Композитор томонидан “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Маҳтумқули” (Қ.Матризаев пьесаси), “Мавлоно Огаҳий” (Ю.Юсупов пьесаси) мусиқали драмалари, “Фотима кампирнинг лотереяси” (О.Матчон пьесаси) мусиқали комедиясига ёзган қўшиқлари халқ орасида оммавий қўшиқларга айланган.

Истеъдодли композитор ўз замондош ҳамкасблари жарангдор ва мусиқадор овозга эга бўлган театр актёрлари Ўзбекистон халқ артистлари- В.Фаёзов, С.Раҳимова, М.Раҳимов ва бошқаларни ижроларига мослаб мусиқали драмаларда қатор арияларни яратган. Яратган асарларида Хоразм дoston йўллари, суворалар, мақом наъмуналарига эътиқод қилиш билан бир қаторда улардан устозлик билан фойдаланиб янгилик ахтариб янги-янги асарлар тақдим қилиб шинавандаларни хурсанд этиб келган.

Ҳар бир худуднинг мусиқа ижрочилигида ўзига хос мусиқий ижро тузилмалари, ижрочилик мактаблари мавжуд. Айрим бир чолғу асбоблари борки, уларни садоланиши ва унда ижро этиладиган мусиқий асарларнинг ижроси ҳамда оҳанги уни қайси ижрочилик мактабларига мансублигидан дарак беради.

Хоразм ижрочилик услубига хос бўлган чолғу созларидан бири тор асбоби ҳисобланади.

Тор Хоразмда рубоб номи билан ҳам машхур. Ўтган асрнинг бошларига келиб, тор чолғу асбобида хоразмлик таниқли санъаткорлар, Шерозий ва Бола бахшилар халқ кўшиқлари ва дoston ижрочилигида, устоз ҳофиз Ҳожихон Болтаев торни мақом ижрочилигида (танбур ўрнида) доимий равишда ишлата бошлаганлар ва бу чолғу асбоби ҳофиз овозига суянчиқ (ҳасса) вазифасини бажариб келган. Комилжон Отаниёзов тор ижрочилигида янги ижро услублари яратиб, уни Ўзбекистон, Туркманистон ҳамда Тожикистонда расм этилишида сабабчи бўлиш билан бирга, ушбу чолғуни катта сахна талаблари даражасида моҳирона ижро этган. А.Отажанов торни мусиқали драма ва комедияларда театр оркестрида етакчи чолғу сифатида қўллаган. Торни ижрочилигини оркестр учун мослаштиришнинг илк тажрибаларни қилган. Оркестрга шунингдек, фортепиано, кларнет ва труба бошқа чолғу созларни киритиб мусиқали драмаларга увертюралар яратган. “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” мусиқали драмасига ёзилган увертюрасида рубоб (тор) етакчи чолғу вазифасини бажарган.

УВЕРТЮРА

“Ошик –Ғариб ва Шоҳсанам”
муסיқали драмасидан

№1 Увертюра

The musical score is written in 2/4 time and consists of ten staves. The key signature has two flats (B-flat and E-flat). The score includes various dynamics and articulations:

- Staff 1:** Starts with a *tutti* dynamic. The first staff has a melodic line with eighth-note patterns, and the second staff has a bass line with eighth notes.
- Staff 2:** Continues the melodic and bass lines with eighth-note patterns.
- Staff 3:** Features a long melodic line with a slur and a fermata at the end.
- Staff 4:** Includes a *Tor* (trill) marking above a melodic line.
- Staff 5:** Features *Tutti* and *Tor* markings. It includes a melodic line with eighth notes and a bass line with sixteenth-note patterns.
- Staff 6:** Includes a *Tor* marking above a melodic line.
- Staff 7:** Features *Tutti* and *Tor* markings. It includes a melodic line with eighth notes and a bass line with eighth notes.
- Staff 8:** Includes a *Tor* marking above a melodic line.
- Staff 9:** Features *Tutti* markings. It includes a melodic line with eighth notes and a bass line with eighth notes.
- Staff 10:** Ends with a melodic line featuring triplets (marked with '3') and a bass line with triplets.

Ўзбек халкида доира асбобини куй ва кўшиқ ижрочилигида етакчи чолгулардан бири ҳисобланади. Бу чолғуда нафақат усул жўрлиги, балки куй ҳаракатининг асосини ташкил этувчи вазн ўлчовлари ва усул бирликларини нозик томонлари ва туб хусусиятлари акс эттирилади. Куй ва кўшиқларни асосий омили усул ҳисобланади.

Хоразм мақомлари, мумтоз куй ва ашулалари тарихи ва назарий асосларини яхши билган А.Отажанов номи Хоразмда устоз созанда “Усул устаси” сифатида ҳам машҳур бўлган. Шу сабабдан бўлса керак у яратган мусиқаларида хоразмча доира усуллари яққол сезилиб туради.

Абдушариф Отажанов драматург Қурбонбой Матризаевнинг “Махтумкули” мусиқали драмасида Хоразм Дутор мақомларидан бўлган “Алиқамбар” куйидан ария сифатида фойдаланиб, унга ўзига хос усул ва авжларни киритиб, ашула мазмунини янада теранлашишига эришган.

Рустам Болтаев нотага олган

АЛИҚАМБАР

M.M. ♩ = 90

Dourra

5

10

15

20

23

Машҳур ҳофиз ва мақом усталари бўлган Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзов каби оташнафас санъаткорлар билан доирачи сифатида ҳамкор бўлган.

1949-йилда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-текшириш институти¹ ходимлари ташаббуси Хоразм мақомлари ижроларининг магнит ёзувларини яратиш борасида иш олиб борилган. Шу даврда устоз Матпано ота бироз кексайиб, баланд авжлик ашула йўлларини айтиш учун заифлашиб қолган даври бўлган. Устоз томонидан мақом йўлларини бакувват ёш ижрочиларга ўргатиб, бу ишларга бош бўлишни шогирди Комилжонга топширган. Ижрочи созандалар сифатида Комилжон Отаниёзов, Абдушариф Отажанов ва Матниёз Юсуповларни бу ишга таклиф қилади. Матпано ота назоратида Хоразм мақомларининг ашула йўллари Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзов талқинида институт ходимлари томонидан “Рост” ва “Сегоҳ” мақомининг ашула бўлимлари ёзиб олиниб, магнит тасмаларига туширилган². Овоз ёзиш жараёнларида Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзовлар ёнида Абдушариф Отажанов доирада жўр бўлган. Ҳозирда бу ёзувлар Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик институти фонотекасида сақланмоқда.

Муסיқали драма ва комедияларга куй басталашдан ташқари композиторнинг ижодий меросида ранг - баранг, турли мавзуларда ёзилган кўшиқ, хор ва оркестр учун кўп қисмли муסיқий асарлар, муҳим ўрин эгаллайди.

Жамиятимиз ҳаётида юз бераётган йирик воқеалар, байрам ва тантаналар, пахтакорларнинг ғалабасига ўз ижодий улуши билан қатнашган. “Машғал элим”, “Шодиёна” вокал - хореографик сюита, “Улуғ кун” хор ва оркестр учун “Офарин” ва “Оқ олтин” вокал хореографик сюита, “Хоразм” яккахон, хор ва оркестр учун поэма, хор акапелласи учун қайта ишлаган Хоразм “Ёр-ёр”и, Хоразм халқ кўшиғи асосида чолғу ансамбл учун ишланган “Авазим” пьесалари ана шундай саналар илҳомида юзага келган.

¹ Ҳозирги Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик институти.

² Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор Абдушариф Отажанов эсдаликларидан.

Ҳар бир санъаткор учун ўз йўлини, ўз услубини топиш ниҳоятда муҳим ва зарур. Меҳнатсеварлик, доимий изланиш – Абдушариф Отажановга одат бўлган ва санъатининг турли жаҳаларида самарали ижод қилган.

У яратган “Мучик”, “Лойик” ва “Бобойжоним” каби кўшиқлари ўзбек халқ кўйиқлари руҳида ижод қилинган бўлиб ўзбек халқи мусиқа ҳазинасида ўзига хос ўрин тутди.

Бу кўшиқлар халқ дostonлари, термалардаги каби (қисқа) лўнда ва эркин сатрлардан тузилган. Оддий, самимий шу билан бирга жарангдор сўзлар. Муаллиф халқ оғзаки ижоди, шеърини ва бадиий ижодиётини ўзига чуқур сингдирганидан далолат беради.

Урфий анъанада ривожланиб кетаётган анъанавий мусиқа замирида куй яратиш, умуман ижодкорлик кенг маъноли тушунча. “Мучик” ашуласи Хоразм халфа йўллари асосида яратилган бўлиб Ўзбекистон халқ артисти С.Раҳимова ижросида жуда моҳирлик билан ижро қилинган. Шўх оҳангдаги Р. Бекниёз сўзига А.Отажанов куй басталаган “Бобойжоним” ашуласи Ўзбекистон халқ артистлари З.Латипов ва Б.Раҳимовалар томонидан ўзига хос шакл ва тузилиш, илҳомбахш ҳаяжон ва қалб ҳарорати билан тўлдириб ижро этилган.

Хоразм сурнай лазгиси асосида яратилган “Лойик” ашуласи Хоразм сурнай лазгиси оҳанглари асосида ўзига хос бир ижро услубида яратилган ялла ашулаларидан бири.

Бу яллани яратилиш тарихи ҳақида, Ўзбекистон халқ артисти М.Раҳимов куйидагича гапириб берганлар. “ 1957- йил вилоят раҳбарларидан бири (М.Раҳманов) Хоразмда пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида марказга ҳисобот бериб Тошкентдан Урганчга самолётда учиб келган. Самолёт зинапоясидан тушиб келишда (хурсандчиликдан) икки қўлини бир-бирига уриб (қарс уриб), “Дилбарни кўринг қомати зебосига лойик” деб ашула хиргойи қилиб (шу пайтда аэрапортда милиция ходими бўлиб ишлаган Дилбар опага) ҳазил қилган экан. Бу ҳазилни эшитган маданият ходимлари А.Отажановга эртага бўладиган вилоят тадбирида “Дилбарни кўринг қомати зебосига лойик” сўзига назира қилиб пленумида ялла қилиб айтиш

кераклигини топширганлар. “Дилбарни кўринг қомати зебосига лойиқ” сўзидан фойдаланган ҳолда шоир Х.Абдулла сўзни ёзишни илтимос қилишган, Абдушариф ака мусиқасини ёзиб бир кечада ашуланинг сўзи ва мусиқаси тайёрланиб М.Рахимов томонидан пленум очилиши олдидан “Лойиқ” яллasi ижро қилинган. Эл орасида машҳур бўлиб келган сурнай лазгиси куйи асосида Абдушариф Отажанов ялла туркумидаги лазгини янги вариантини яратган эканлар.

А.Отажанов номи нафақат композитор, санъаткор, педагог сифатида ҳам машҳур бўлган. У 1955- йили Хива шаҳрида болалар мусиқа мактабини ташкил этди. Унга раҳбарлик қилиш билан бир вақтда Хива шаҳар маданият бошқармаси театри мусиқа бўлимининг эмакдоши вазифасида ишлаган. 1959 - 1964 йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри директори ва дирижёри лавозимларида ишлади. 1966 йили А.Отажанов ташаббуси билан Урганч мусиқа билим юртида доира синфини очилган. Унинг қилган яни бир хайрли иши республика мусиқа билим юртлари ичида 1973- йили Урганч мусиқа билим юртида кўшнай ва сурнай синфлари очиб ёш ижрочиларни ўқишга жалб қилган. Бугун шу йўналишда таълим олган шогирдлари М.Матёкубов, С.Саддинов ва бошқалар устоз бошлаган ишларни давом қилдириб Республикамизни олий даргоҳларида ўқитувчилик фаолиятини давом қилдирмоқдалар.

Абдушариф Отажанов ўз замонасида республика мусиқа аҳли орасида энг обрўли композитор ва бастакор бўлиб элга танилди. Бутун умри давомида улкан бир мактаб яратган устозлардан бири. Устоз мактабидан жуда кўп шогирдлари катта санъатга йўлланма олганлар.

БОТИР РАХИМОВ
УРДУ САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ МУСИҚА ТАЪЛИМИ
КАФЕДРАСИ МУДИРИ

"Boboyjonim" Chol va kampir dueti

A. Atadjanov m.
M. Atadjanov not.

Allegro

Kampir

Boboy

Allegro

Piano

7

K. 2.Xa dya qil-gan qo- vu- ning- ni su- yar- man- cy
1.Saq - qol - la-ri sil - kil - di - mi yur-gan - da - yay- ey.

B.

Pno.

13 Kam- pir- jo- nim Qo- vun e- mas
Bo - boy - jo- nim Meh - ri- bo- nim Vo- ey vo- ey Bax - ri- di- lim
Jo- nim jo- nim Vo- hey vo- hey

Pno.

2

18 diy-do - rin-ga do - yar-ma-ney Kam- pir- jo- nim

K.

B.

Pno.

24 (Gun-dan, guna) (Gun-dan, guna)

K.

B.

Pno.

29 siz- za me-xr qo'- yar man ey Kam- pir- jo- nim

K.

B.

Pno.

34 Meh- ri- bo- nim

K.

B.

Pno.

39

K. *gliss*

B.

Pno.

44 **Presto**

K.

B.

Pno.

49 Os- ton yu- ring o- dam- lar bog'- da o's-gan
 Ol - ma ot - dim ot - gan - ga sim - ka-ro-vot da__

K.

B.

Pno.

54 bo- dom- ga O- dam bo'- sa na- ta- di
 yot - gan - ga Ach - chi - g'in-giz gal - ma-sin

K.

B.

Pno.

59 O'z- yo'- li-na ge- ta- di- ey o'z- yo'- li- na ge- ta- di

K.

B.

Pno.

65

K. *Kishtak*

B.

Pno.

70

K. 1. 2. Bo-boy - jo-nim

B. Pr

Pno. 1. 2.

Michik bolamdan aylanay

(Ovoz va F-no uchun)

A.Otajonov

Allegretto

The musical score is written in 6/8 time with a key signature of one sharp (F#). It consists of a vocal line and a piano accompaniment. The piano part features a melodic line in the right hand and a harmonic accompaniment in the left hand. The score is divided into four systems. The first system (measures 1-4) includes a piano introduction with a *mf* dynamic and an 8-measure rest. The second system (measures 5-8) continues the piano introduction. The third system (measures 9-13) contains the vocal entry with lyrics: "Kel do'm - bo-g'im Qu-chib o'-pay Er-ka qo'-zim". The fourth system (measures 14-17) includes a first ending (1.) and a second ending (2.) with lyrics: "ya-sha ko'- pay - Ken-ja - to-yim".

5

9

14

mf

8^{me}

8^{me}

8^{me}

8^{me}

Kel do'm - bo-g'im Qu-chib o'-pay Er-ka qo'-zim

1. 2.

ya-sha ko'- pay - Ken-ja - to-yim

19

O'-sib ul-g'ay Er-kin za - mo -

24

nang o'r - gi-lay Ken-ja - to-yim yay-rab ul-g'ay

29

Er-kin za - mon - - nang ay - la-nay ho-ho

34

ho Mi-chik Mi-chik voh voh Mi- chik -

39

dan ay - la-nay Mi-chik Mi-chik voh voh Mi- chik -

43

dan ay - la-nay To'y - la-rin - ga shay - la-nay Bax - ti -yor -

47

dan ay - la-nay voh voh jo-ning - dan ay - la-nay er-ka bo-lam - dan o'r - gi-lay

52

Mi-chik Mi-chik Mi-chik Mi-chik Mi-chik.

57

62

(8)

v v 7

ХУЛОСА

Хоразм Шарқда санъатнинг қадимий бешикларидан бири саналади. Айниқса, мусиқа санъатининг салмоғи бекиёсдир. Миллий кифамизни ўзида ақс эттирган мусиқа хазинаси авлоддан авлодга ўтиб табора аҳамият касб этаётир. Қадимий куйларни тинглаб завқланмайдиган бирор хоразмликни учратиш амри – маҳол десак муболага бўлмас. Аммо, шуни унутмаслик лозимки, бу хазина ҳозирги кунимизгача осонликча этиб келмаган. Ўша масъулиятли вазифани адо этиб, куйларни нотага кўчириб, бир қанча мусиқалар яратган фидойи инсонларни шу сабабдан ҳам қанчалик эъзоласак оз. Ана шу ватанпарвар композиторлар шижоати туфайли Оврўпо мусиқачилигидан ҳеч бир қолишмайдиган мусиқа санъатимиз чиройли йўсинда шаклланиб қолди.

Ўзбек мусиқаси тарихида шундай сиймолар борки, уларнинг бетакрор ҳаётий ва ижодий йўли авлодлар учун сўнмас қуёшдек. Оллоҳ назарига тушган шундай инсонлардан бири Абдушариф Отажоновдир.

Абдушариф Отажонов серкирра ижод соҳибидир. Йирик санъат ва жамоат арбоби, етук ижрочи, бастакор, устоз, дирижёр Абдушариф Отажонов бутун умрини, ижодини ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришга бахшида қилган инсон ҳисобланади. А.Отажонов композиторлик фаолиятида профессионал мусиқанинг турли жанрларида ижод қилган серкирра ижодкордир.

Унинг композиторлик ижодида хилма–хил драматургик асарларнинг асоси ва моҳиятини белгиловчи мавзулар, тинчлик ва уруш, садоқат ва хиёнат, меҳру-мурувват ва нафрат, севги ва разолат, гўзаллик ва кўполлик, мустақиллик ва қуллик, жасорат ва пасткашлик, билим ва хурофат каби мавзулар тўлақонли ўз ифодасини топган.

Абдушариф Отажонов ўз ижодий фаолияти давомида 25 - дан зиёд мусиқали драма ва комедияларга мусиқа басталаган. Республикамининг композиторлари орасида бунча кўп сахна асарлари ижодкорлари учрамайди.

Абдушариф Отажонов бир вақтнинг ўзида композиторлик, педагоглик, ташкилотчилик фаолиятини олиб борди ва кўплаб шогирдларни етиштирди.

У ёш авлодни тарбиялашдаги жамиятга керакли энг кичик ташаббусни ҳам кўллаб қувватлайдиган узоқни кўра биладиган раҳбар бўлган. Бу фаолиятнинг самарасини М. Ҳарратов номли мусиқа билим юртига директорлик давридаги ҳаётга тадбиқ қилинган ишларни намуна қилиб айтишнинг ўзи кифоя.

Шу даврларда унинг ташаббуси билан Хоразм телевидениясидаги “Марҳабо талантлар” кўрик танлови кўп йиллар фаолият кўрсатиб мусиқа оламига ёш авлодни жалб қилди.

Абдушариф Отажоновнинг шогирдлари Халқ назарига тушган, республикамызда танилган етук ижрочи, педагог ва композиторлар бўлиб етишдилар. Абдушариф аканинг фарзандлари ва неваралари ҳам ота боболарининг анъаналарини давом эттирмоқдалар, улардан бири композитор Муҳаммад Отажонов Ўзбекистон Давлат Консерваториясида фаолият кўрсатмоқда, шунингдек у Республика композиторлари уюшмасининг аъзоси ҳамдир. Отажоновлар сулоласи ҳақида келгуси авлодлар учун кенг мавзуда китоб ёзиш ҳам қарз ҳам фарздир. Абдушариф Отажонов охирати обод бўлган табаррук инсон сифатида Халқимиз қалбида абадий тирик қолади Унинг порлоқ хотираси ҳеч қачон унутилмайди. Абдушариф Отажонов ўзбек мусиқа санъати осмонида чароғон юлдуз, мангу порлаб туради.

ИЛОВА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва композитор Абдушариф Отажонов асарлари рўйхати Саҳна асарлари: (муסיқали драма)

1. “Оқ нилуфар” (Хинд ёзувчиси Р. Тагор асари, Авинников, С. Оспос ва А. Бобожоновлар таржима ва инстсенировкалари, 1958 й.),
2. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” (Юнус Юсупов пьесаси, 1958 й.).
3. “Маърифат қурбонлари” (Егам Рахим пьесаси, 1960 й.),
4. “Ишқ билан ўйнашма” (А.Хайруллаев ва К.Аҳмадийлар пьесаси, 1960 й.)
5. “Ким айбдор” (И.Ахмедов ва У.Исмоиловлар пьесаси, 1960 й.)
6. “Сенсиз яшолмайман” (Рахим Бекниёз пьесаси, 1961 й.)
7. “Тоғ қизи” (Доғистон драматурги Р. Гамзатов пьесаси, 1963 й.)
8. “Тош тешар” (Алп Жамол, 1964 й.)
9. “Икки ўт ўртасида” (Рахим Бекниёз пьесаси, 1964 й.)
10. “Махтумқули” (Қурбонбой Матризаев пьесаси, 1966 й.)
11. “Мавлоно Огахий” (Юнус Юсупов пьесаси, 1968 й.)
12. “Мехрибонлар” (А.Жамол пьесаси, 1970 й.)
13. “Тузок” (А.Жамол пьесаси, 1972 й.)
14. “Қизлар исёни” (Юнус Юсупов пьесаси, 1973 й.)
15. “Сўнги пушаймон” (А.Жамол пьесаси, 1974 й.)
16. “Тошлар тилга кирганда” (П.Телегенов пьесаси, таржимон Н. Комилов, 1976-й)
17. “Мунозара давом этади” (К.Мирзоев пьесаси, 1981 й.)
18. “Жавохир” (Эркин Самандаров пьесаси, 1984 й.)
драма асарларга ҳам муסיқа басталаган:
19. “Баҳор” (Озарбайжон драматурги М. Тамсахиб пьесаси, 1961й.)
20. “Бўронли йиллар” (Ўлмас Умарбеков пьесаси, 1963 й.)
21. “Шоҳнинг боши бормиди, ё “ (А.Мухтор пьесаси, 1985й)

22. “Тож ва қон”. (Ю. Юсупов пьесаси,)

Саҳна асарлари: (муסיқали комедия)

23. “Фотима кампирнинг лотереяси” (О.Матчон пьесаси, 1977 й.)

24. “Хўжа Насриддин” (Азимзода пьесаси, 1965 й.)

25. “Орзу” (Х.Расул пьесаси, 1984 й.)

26. “Али масхарабоз” (А.Бобожонов пьесаси, 1972 й.);

27. “Искирт сатанг”

Кўшиқлар рўйхати.

1. “Меҳнат завқи” (М. Абдурахимов сўзи),

2. “Роҳати бир жонга етишдим” (М.Рахмонов сўзи)

3. “Газ келди, газ” (Е.Ешмонов сўзи),

4. “Салом марду мардонларимга” (А.Пўлат сўзлари)

5. “Чўпон йигит кўшиғи” (А.Пўлат сўзлари)

6. “Машғал эли” (Р.Бекниёз сўзи)

7. “Куйлайди табиат” (Х.Шарипов сўзи)

8. “Келди ёрим қошимга” (Х.Саидов сўзи)

9. “Кезарман” (Аҳмадий сўзи)

10. “Интизормикин” (Р.Бекниёз сўзлари)

11. “Айирма мани” (Р.Бекниёз сўзлари)

12. “Жонгинам шартингни айт” (Р.Бекниёз сўзлари)

13. “Ошиқ ноласи” (Дилафкор сўзи)

14. “Кел, кел жоним” (Шухрат сўзи)

15. “Бири бинафша, бири Равшан” (Бобур сўзи)

16. “Шўх ошпаз” (Порлок сўзи),

17. “Почтачима, почтачи” (К. Аҳмадий сўзи)

18. “Узук тақсам билагинга”

19. “Бобойжоним”

20. “Аравакаш” (Р.Бекниёз сўзи)

21. “Ўзи билса, билсин” (Р.Бекниёз сўзи)

22. “Ҳар кишининг бўлса икки хотини” (Махтумқули сўзи)

23. “Каминангиз комендант” (Е.Рахим сўзи)

24. “Суратчима, суратчи” (Хуршид сўзи)

25. “Лойиқ”

26. “Адо қиласиз”

27. “Кўп соғинтирма”

- 28 “Мучук”
- 29 “Меҳнат билан”
- 30 “Неваражон- неварам”

Хор ва оркестр учун ёзилган кўп қисмли мусикий асарлар.

- 1 “Шодиёна” (Хуршид сўзи, 1968 й.) вокал-хореографик сюита
2. “Улуғ кун” (Хушнуд ва О.Матчон сўзлари, 1967 й.) хор ва оркестр учун Офарин(О.Матчон сўзи, 1967 й.)
3. “ Оқ олтин “(О.Матчон сўзи, 1967 й.)
4. “Хоразм” (Э.Рахмон сўзи, 1968 й.) вокал хореографик сюита.
- яккагон, хор ва оркестр учун поема
5. “Махаллада тўй” (Хуршид сўзи, 1971 й.)
6. “Сумалак оқшоми” (Хуршид сўзи, 1971 й.) вокал-хореографик сюита
7. “Замон анъанаси—никоҳ тантанаси” (Хуршид сўзи, 1973 й.)
- вокал хореографик сюита
8. “Олтин қўллар” (Миртемир сўзи, 1973 й.)
9. “Хоразм Ёр-ёр” ини акапелла хори учун қайта ишлаган;
10. Хоразм Халқ кўшиқи асосида чолғу ансамбли учун песа,”
Кудалар баҳси” (Нурматов сўзи, 1974 й.),
яккагон, хор, хореографик композиция,
11. “Ақлда доно қизлар” (Э. Рахим сўзлари, 1982 й.)
12. сюита,”Пахтакорман” (Хуршид сўзи, 1982 й.)
яккагон ва чолғу ансамбли учун кўшиқ;
- 13 “Хоразмда байрам” (Х.Абдуллаев сўзи, 1983 й.)

Абдушариф Отажонов яшаб ижод этган тарихий йиллар солномаси

1. 1924 - йил 1- январида Абдушариф Отажонов таваллуд топди.
2. 1939- йил Хива колхоз-совхоз театрига ишга кирди
3. 1939- йил Бикажон Рахимова билан турмуш қурди.
4. 1942- йил Сентабр ойида Армия сафига чақирилди.
5. 1944- йил 23-июл ойида оғир яраланди.
6. 1945- йил Фронтдан уйига қайтди

7. 1945- йил Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга таклиф қилинди.
8. 1951-1955 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида ўқиди.
9. 1955- йили Хива шаҳарда болалар мусиқа мактабини ташкил этди
10. 1958 йил Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга қайтди.
11. 1958.йил. Ошиқ Ғариб ва Шохсанам мусиқали драмасини ёзди.
12. 1961-1966 йил Тошкент давлат консерваториясида ўқиди.
13. 1960- йил Маърифат қурбонлари мусиқали драмасини
14. 1964-1967 йил Урганч шаҳар М.Ҳарратов номли мусиқа билим юртида директор лавозимида ишлади.
15. 1967-1973 йил Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрида директор лавозимида ишлади.
16. 1969 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди .
17. 1973-1980 йилларда Урганч шаҳар М.Ҳарратов номли мусиқа билим юрти директори бўлиб ишлади.
18. 1975- йил Республика композиторлар уюшмаси аъзоси бўлди.
19. 1980-1986 йил Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрида бош дирижёр лавозимида ишлади.
20. 1987 -йил 5-декабр куни Абдушариф Отажонов вафот этди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Собирова С. ва бошқалар “Хива булбуллари” Хива-2000 й.
2. Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусикали драма ва комедия театрининг архив сўровнома-хужжатлари. 1987-1988 йиллар.
3. А.Отажоновнинг фарзандлари, шогирдлари билан ўтказилган шахсий суҳбатлар, уларнинг хотиралари.
4. Шахсий хотиралар, айрим мусикали драмаларнинг нота ёзувлари.
5. “Хоразм хақиқати” газетасида 1960-1980й. чоп этилган театр, мусиқа санъатига оид мақолалар.
6. Ўзбекистон композиторлар уюшмаси чоп этган композиторнинг портретлари ва уларда келтирилган тарихий маълумотлар.
7. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари. Т., “Янги аср авлоди”. 2004
8. Ўзбек мусиқа тарихи

**Ушбу монографияни яратилишида менга яқиндан
кўмаклашган кадрдон дўсту-устозларим:**

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси
раиси, Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти сохиби,
профессор – Рустам Абдуллаев,

Ўзбекистон ва Қорақалпоқистон Халқ артисти, Ўзбекистон
Давлат консерваторияси “Академик вокал ва опера тайёрлаш”
кафедраси мудири, профессор – Муяссар Раззақова,

УРДУ санъатшунослик факультети мусиқа таълими
кафедраси мудири – Ботир Рахимов,

Ўзбекистон санъат арбоби, УРДУ профессори – Қадамбой
Рахимов,

“Хуқуқ муаммоларни ўрганиш” маркази директори,
профессор – Шамиль Асьянов,

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Илмий педагогик
кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD) – Ашуrow Бахтиёр Шокирович

УРДУ ўқитувчиси – Одилбек Қазақовларга

чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

МИНИСТЕРСТВО КУЛЬТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОНСЕРВАТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА

МУҲАММАД АТАДЖАНОВ

КОМПОЗИТОР
АБДУШАРИФ
АТАДЖАНОВ
(ШТРИХИ К ТВОРЧЕСКОМУ НАСЛЕДИЮ)

МОНОГРАФИЯ

Издательство “Musiq”
Ташкент
2021

85.31г

О 86

Отажонов М.

Композитор Абдушариф Отажонов (Ижодий меросига чизгилар)
/М.Отажонов. – Тошкент, 2021. 128 с.

КБК 85.31г

УДК 78.071.1(092)

РЕЦЕНЗЕНТЫ:

РУСТАМ АБДУЛЛАЕВ- ПРЕДСЕДАТЕЛЬ СОЮЗА КОМПОЗИТОРОВ И
БАСТАКОРОВ УЗБЕКИСТАНА, ДЕЯТЕЛЬ ИСКУССТВ УЗБЕКИСТАНА, ЛАУРЕАТ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПРЕМИИ УЗБЕКИСТАНА, КОМПОЗИТОР, ПРОФЕССОР

МУЯССАР РАЗЗАКОВА- НАРОДНАЯ АРТИСТКА УЗБЕКИСТАНА И
КАРАКАЛПАКИСТАНА, ПРОФЕССОР

Настоящая монография посвящена жизни и творческой деятельности заслуженного артиста Республики Узбекистан, члена Союза композиторов и бастакоров Узбекистана, композитору Абдушарифу Атаджанову.

ISBN 978-9943-6246-9-6

© Издательство “Musiq”, 2021.

© М.Атаджанов, 2021.

ВВЕДЕНИЕ

Музыкальное наследие узбекского народа имеет очень богатую и древнюю историю. Невозможно найти ни одну современную сферу музыкального искусства, которая не вдохновлялась бы народными песнями и мелодиями. Начиная с эстрады, крупных хоровых, симфонической музыки, оперы и балета, музыкальной драмы.

Нельзя представить неразрывность от музыкального наследия - процесс развития жанров музыкального искусства, начиная с популярных эстрадных песен, крупных хоровых, симфонических произведений, оперы, балета и музыкальных драм. В обогащении и пропаганде музыкального наследия важное место занимают – этнографические ансамбли. Огромный вклад в этом направлении внесли: Мухиддин Кари Ёкубов, Тамара-Ханум, Уста Олим Комилов, Домла Халим Ибодов, Ходжихон Болтаев, Мадрахим Ёкубов (Шерозий), Комилжон Отаниязов и многие другие. Не имея жанров и форм композиторского искусства, мелодии, песни и макомы этих Хафизов составляли основу музыкального искусства. Начиная с тридцатых годов прошлого столетия стали появляться новые формы и жанры музыки: хор, кантата, опера, балет и симфонии. В этом направлении большое внимание было уделено нотации музыкального наследия, которая эффективно использовалась в композиторском творчестве, благодаря этому в различных городах Республики стали создаваться множество музыкальных учреждений: детские музыкальные школы, музыкальные училища, народные консерватории. Так, в 1928 году в городе Самарканд, был открыт научно-исследовательский институт музыки и хореографии. В этом музыкальном заведении огромную работу и помощь внесли русские специалисты. Стали создаваться произведения в новых формах и жанрах, нотной

записи музыки и ансамбли. И в этот период многие музыканты из различных регионов Узбекистана, а также Хорезмские музыканты начали обучаться в музыкальных учреждениях и приезжали на учебу в г. Ташкент и в г. Самарканд.

В 1945 году, мой отец Абдушариф Атаджанов, вернулся с войны инвалидом, но несмотря на это, будучи музыкантом, жаждал изучать и Европейскую многоголосую музыку. В 1951 году поступает в музыкальное училище им. Хамзы в Ташкенте, а после окончания в Ташентскую государственную консерваторию, в класс композиции профессора Б. Зейдмана. После успешного окончания консерватории, в будущем становится выдающимся композитором.

На протяжении нескольких лет, Абдушариф Атаджанов работает директором и педагогом в Ургенчском музыкальной училище им. М.Харратова, а впоследствии работал директором и главным дирижёром в Хорезмском областном театре музыкальной драмы и комедии им. Агахи, где работал очень плодотворно. За заслуги перед Отечеством был награжден многочисленными почетными грамотами, орденами и медалями.

Творчество Абдушарифа Атаджанова было весьма многообразно: песни, инструментальные мелодии, произведения для различных оркестров, музыкальные драмы и комедии, симфонические произведения, которые заняли достойное место в музыкальном мире и остались в сердцах у многочисленных поклонников.

Абдушариф Атаджанов внёс огромный творческий вклад в развитие, исследование и изучение узбекской музыки и композиторского искусства. В зарождении профессиональной музыки в Узбекистане, в изучении методики использования народной музыки, которая является важнейшей задачей для многих поколений.

ВОСПОМИНАНИЕ О ДОРОГОМ ОТЦЕ

В 1960 году мне был уже год, но я помню как какой-то человек постоянно смотрел на меня и улыбался, тогда я еще не понимал, что это мой отец. Помню, когда мама купала меня и младшего брата Ахмеда (мы были погодками), мы всегда плакали и мой папа брал нас на руки, успокаивал и смеялся. Наша семья была многодетной, шестеро детей: две старшие сестры и мы - 4 брата, но я помню, как мама рассказывала, что был еще брат, который скончался в возрасте 1,5-2-х лет от болезни - краснухи. Для каждого человека в жизни самыми дорогими и любящими людьми являются родители. Для нас тоже наши родители были самыми любимыми, дорогими людьми. Из всех братьев, особенно я, внешне был очень похож на отца. Я всегда хотел даже подражать ему во всем, мечтал пойти по его стопам и стать композитором.

В 1959 году Хорезмский областной театр имени М.Агахи переехал из города Хива в город Ургенч, естественно, и наша семья переехала в Ургенч. Нашей семье выделили квартиру в доме специалистов, в центре города, и в этом же году родился я.

В нашем доме жили представители разных профессий и разных национальностей: журналисты, писатели, медики и мы-музыканты, а также несколько ветеранов войны. Так как все они были русскоязычными, мы тоже освоили русский язык и в дальнейшем уже разговаривали на двух языках: русском и родном. В семидесятые годы было большой роскошью иметь телевизор и телефон. Отец купил нам небольшой телевизор марки - "Заря" и, радости не было предела, так как мы, дворовые мальчишки и девчонки уже не стремились на улицу и вместе с соседями с любопытством смотрели телевизионные передачи. Также папа старался дать нам всем музыкальное образование: старшие сестра – Рохатой, Фарохат и брат Олимбой

обучались на фортепиано, второй брат Азад –на скрипке и я, третий брат обучался на фортепиано, но мне тогда было 4,5 года и я не ходил в музыкальную школу, к нам домой приходила учительница музыки, ее звали Мила, у нас было пианино марки «Красный октябрь», она меня обучала игре на фортепиано. Младший брат Ахмед часто находился у бабушки и категорически не хотел заниматься музыкой и с удовольствием всегда оставался у бабули. Таким образом, я оставался младшим сыном в семье, где меня очень любили, баловали и отец, любя, меня называл – Макула или Мак. Он старался сам забирать меня из детского сада N2, обращался ко мне на ”Вы”, спрашивая меня: «Как у меня дела? Не устал ли я?», старался дополнительно заниматься со мной по музыке и я уже мог записывать ноты, сочиняя какие-либо маленькие мелодии, отец был доволен мной и давал домашние задания, просил записывать новые мелодии, а я радовался и двигал карандашом по нотной бумаге, подражая ему. Когда мы с младшим братом Ахмедом достигли школьного возраста, папа нас повел в музыкальную школу N1 г. Ургенча, там у меня обнаружили абсолютный слух и отец сказал вздохнув:- “Я не сомневался”. И вот теперь к моей персоне было особое внимание и особое отношение, а я, в свою очередь, старался не подводить своего отца, так как очень сильно любил его. А младший брат Ахмед, окончив музыкальную школу по классу - Баян, больше не занимался музыкой, не имея на это желание.

С тех пор утекло много воды, сколько прошло и радостей, и огорчений, я сам достиг возраста 60 плюс, со дня кончины моего отца прошло 34 года и добрая память о нем всегда будет в моем сердце.

У моего отца было много учеников и последователей, многие из них стали известными музыкантами, композиторами, музыковедами Узбекистана, о многих учениках и последователей

написаны книги и монографии. И я ждал, что кто-нибудь, из учеников, напишет о нём, но подумал: «Кто же, если не я, знает о нем лучше всех?», но не находил долго свободного времени. Мне приснился мой дорогой отец и я решил, не откладывая время на потом, написать о нём, о его творчестве.

Мой отец, Абдушариф Атаджанов, родился 1 января 1924 г. в городе Хива (город-музей под открытым небом) в семье гармониста - Атаджан-ота и Халфы- Шадманжан-она. Свою творческую деятельность начал в Хивинском театре, в качестве музыканта, играл на различных народных инструментах. В 1942 г. призвался в ряды Советской армии и его направили во второй Белорусский фронт, где воевал против немецко - фашистских захватчиков, за время службы был награжден множеством медалей и получил орден “За Отвагу” третьей степени. В 1944 году с тремя тяжелыми ранениями вернулся домой, у него не было левой ноги, которую он потерял во время боя в г. Белосток (Польша) и считался инвалидом 3-й группы. До 1945г. находился на лечении.

В 1945году отца пригласили в Хорезмский областной театр музыкальной драмы и комедии им. И.Агахи, где он работал до службы в армии. С 1945-1951гг. работал начальником музыкального отдела театра. В 1951году поступает в Ташкентское музыкальное училище им. Хамзы, на теоретико - композиторский отдел и после успешного окончания училища, с красным дипломом, в 1954 г. вернулся домой, в Хорезм. В 1955г. его назначают директором музыкальной школы г.Хива и начальником музыкального отдела Хивинского театра, проработав до 1959г. С 1959г.-1964г. работал в Хорезмском областном театре музыкальной драмы и комедии. И в этом же году, заочно, с успехом окончил Ташкентскую Государственную консерваторию по специальности – композиция. Чтобы передать свои знания детям Хорезма, с 1964-1967гг. проработал

директором Ургенчского музыкального училища им. М.Харратова. А в 1967 году вернулся в свой любимый театр музыкальной драмы и комедии им. Агахи, где проработал в должности директора до 1973 г. С 1973 г. - 1980 гг. снова был назначен директором музыкального училища им. Харратова. Ранения очень сильно сказывались на здоровье отца и ему пришлось , вернуться в свой любимый театр им. Агахи , в качестве главного дирижёра, где проработал с 1980-1986 гг.

Абдушариф Атаджанов член КПСС с 1944 г. В 1956 году депутат Хивинского совета народных депутатов. В 1969 году был награжден Почетным званием – “Заслуженный артист Узбекистана”. С 1975 года является членом Союза композиторов СССР.

Доцент Государственной консерватории Узбекистана,
Композитор, пианист **Муҳаммад Атаджанов**

Формирование искусства бастакоров и композиторов

1920 год- наблюдается расширение музыкального искусства в истории Узбекистана. Благодаря композиторскому искусству начинают появляться новые формы и жанры в музыке, создаются новые произведения, такие как: кантата, сюита, опера, балет, симфони . Самое главное внимание было уделено нотированию народной музыки. И для более глубоко изучения, осуществления и расширения музыкального искусства во многих городах Республики - г. Ташкенте, г. Бухаре и г. Фергане, открылись музыкальные школы, музыкальные училища, народные консерватории. А в г. Самарканде был открыт научно-исследовательский институт музыки и хореографии. Огромную роль в подготовке национальных кадров внесли специалисты из

России: В.А.Успенский, С.Н.Василенко, Е.Е.Романовская, Н.И.Миронов. Появились наши национальные композиторы, такие как: Толибжон Садыков, Мутаваккил Бурханов, Мухтар Ашрафи, Манас Левиев, Сулейман Юдаков, Дони Закиров, Илс Акбаров, Шариф Рамазанов. В результате активизировалась деятельность изучения музыкального наследия: нотация, расшифровка, организация этнографических ансамблей, широкая их пропаганда среди народа, развитие и создание новых произведений в современных жанрах. Открытие Ташкентской Государственной консерватории, Узгосфилармонии, музыкальных драматических театров в Ташкенте и в областях Республики обеспечило развитие национальной музыки в 2-х направлениях: устной традиции и профессионального композиторского искусства. В эти годы важную роль сыграли в обогащении и развитии национальной музыки этнографические ансамбли.

В конце 30-х годов прошлого столетия, благодаря специалистам из России– Н.Рословец и Ф.Таль и с помощью наших национальных музыкантов, на сцене театра поставили первый узбекский балет : “Пахта“, “Шохида” и ” Гуландом”, Мухтар Ашрафи и С.Василенко оперу- “Буран”, Р.Глиер и Т.Садыков - оперу “ Лейли и Меджнун”, А.Козловский и Г.Мушель создают первые симфонические произведения на основе узбекского национального фольклёра. В годы войны создавались ряд музыкальных драм, опер, вокальных и симфонических произведений в духе дружбы и патриотизма. В послевоенные годы создавались, близкие по духу, национальные произведения. В этот период были созданы два коллектива: Симфонический оркестр Узбекистана и Танцевальный ансамбль “Бахор“, также широко стал развиваться и жанр эстрады, в котором незабываемый след оставил -Батыр Закиров. Особое внимание было уделено и детской музыке. Ряд

композиторов: Мутаваккил Бурханов, Дони Закиров, Манас Левиев, Фаттах Назаров, Гафур Кадыров, Шариф Рамазанов, Мардон Насимов, Ефим Шварц, создают мелодичные песни и кантаты для детей. Собир Бабаев написал оперу “Ёрилтош”.

В настоящее время, старшее поколение композиторов : Надим Нарходжаев, Камил Кенжаев, Рустам Абдуллаев, Аваз Мансуров, Шермат Ёрматов, Мухаммад Атаджанов, Дилором Амануллаева и многие другие, создали новые произведения для детей.

Свой неоценимый вклад в развитии узбекской музыки вложило и старшее поколение Хорезмских музыкантов. Рахманом Аллабергеновым была написана музыка ко многим спектаклям, композитором Абдушарифом Атаджановым была создана прекрасная музыка к музыкальной драме «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», которая получила народное признание, а также им было написано множество музыкальных произведений и музыка к более 20-ти спектаклям и комедиям, которые тоже получили всенародное признание. Шарифом Рамазановым были написаны ряд хоровых, кантат, вокально-симфонических сюит, песен не потерявшие, до настоящего времени, свою популярность.

С лингвистической точки зрения, разберём значение и различия понятия Бастакор и Композитор. Бастакор (с персидского – “Баста” – ткать, кор-дело) – означает занятие. Под словом Бастакор-подразумевается слово – монодия, которая обозначает следующий смысл: сочинение мелодии в одноголосии, основываясь на национальном материале ,например какой либо песни или мелодии для ансамбля в унисон. Важнейшей стороной бастакоров является то, что они обычно сами исполняют свои сочинения и не отражают их в нотной записи. Значит, они одновременно являются и создателями, и исполнителями своих сочинений. Вспомним прекрасных

представителей искусства, любимые и почитаемые всем народом: Тухтасин Джалилов, Юнус Раджабий, Фахриддин Садилов, Камилжон Атаниязов, Камилжон Джаббаров, Мухаммаджон Мирзаев, Ганижон Тошматов, Набижон Хасанов, каждый из них был прекрасным исполнителем и создателем. Основу творчества бастакоров составляет инструментальные мелодии, песни, ашула и катта (большие) песни, совместно с композиторами пишут музыкальные драмы, сюиты, оперу, и балет, становятся соавторами. Например: народный артист Узбекистана – Тухтасин Джалилов, который написал более 20-ти песен, создал музыку к ряду спектаклей в соавторстве: «Гульсара», «Тахир и Зухра», «Нурхон», «Равшан и Зулхумор», «Алпомыш».

